

Ўзбекистон футбол ассоциацияси
Ижроия қўмитаси Бюросининг
2020 йил 31 декабрдаги
№1 сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**ФУТБОЛЧИЛАР МАҶОМИ ВА ТРАНСФЕРИ
БЎЙИЧА РЕГЛАМЕНТ**

UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE

I. КИРИШ ҚОИДАЛАРИ

1-модда. Құлланиш соҳаси.....	6
--------------------------------------	---

II. ФУТБОЛЧИЛАР МАҚОМИ

2-модда. Футболчилар мақоми: ҳаваскор футболчилар ва професионал футболчилар.....	6
3-модда. Ҳаваскорлик мақомини тиклаш.....	7
4-модда. Футбол фаолиятининг түхтатилиши.....	7

III. ФУТБОЛЧИЛАРНИ РҮЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

5-модда. Рўйхатдан ўтказиш.....	7
5bis-модда. Оралиқ ўтиш.....	8
6-модда. Рўйхатдан ўтказиш даври.....	8
7-модда. Футболчи паспорти.....	9
8-модда. Рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш.....	10
9-модда. Халқаро трансфер сертификати.....	10
10-модда. Професионал футболчини ижарага бериш шартлари.....	11
11-модда. Рўйхатдан ўтказилмаган футболчилар.....	11
12-модда. Дисквалификациялар бўйича интизомий санкциялар ижроси.....	11
12bis-модда. Кредиторлардан қарздорликлар.....	12

IV. ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛЧИЛАР ВА КЛУБЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАЛАР БАРҚАРОРЛИГИНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ЧОРАЛАР

13-модда. Шартноманинг устуворлиги ва шартномага риоя қилиш.....	13
14-модда. Футболчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг узрли сабаблари.....	13
14bis-модда. Қонуний асос мавжуд бўлган ҳолатда тўловлар бўйича қарздорлик сабабли шартноманинг бекор қилиниши.....	14
15-модда. Спорт тамойиллари билан боғлиқ қонуний асос мавжуд ҳолатда шартномани бекор қилиш.....	15
16-модда. Мавсум мобайнида шартномани бекор қилишнинг тақиқланиши.....	16
17-модда. Қонуний асосиз шартномани бекор қилиш оқибатлари.....	16
18-модда. Професионал футболчилар ва клублар ўртасидаги шартномаларга тегишли маҳсус қоидалар.....	17

V. УЧИНЧИ ТОМОНЛАР ТАЪСИРИ

18bis-модда. Учинчи томоннинг клубга таъсири.....	18
18ter-модда. Учинчи шахслар томонидан футболчиларнинг иқтисодий (мулк ҳуқуқларига) ҳуқуқларига эгалик қилиниши.....	19

VI. ВОЯГА ЕТМАГАН ФУТБОЛЧИЛАР ИШТИРОКИДАГИ ХАЛҚАРО ТРАНСФЕРЛАР

19-модда. Вояга етмаган футболчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.....	19
19bis-модда. Академия/мактаблар томонидан вояга етмаган футболчиларнинг рўйхатдан ўтказилиши ва улар тўғрисида ахборот (ҳисобот) тақдим этилиши.....	20

VII. МАШҒУЛОТ КОМПЕНСАЦИЯСИ ВА БИРДАМЛИК МЕХАНИЗМИ

20-модда. Машғулот компенсацияси.....	21
21-модда. Бирдамлик механизми.....	22

VIII. ЮРИСДИКЦИЯ

22-модда. ФИФА ваколатлари.....	23
23-модда. Футболчилар мақоми бўйича қўмита.....	23
24-модда. Низоларни ҳал қилиш палатаси.....	24
25-модда. Тартибот масалалари бўйича йўриқномалар.....	25

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

26-модда. Вақтинчалик чоралар.....	26
27-модда. Регламентда назарда тутилмаган вазиятлар.....	26
28-модда. Расмий тиллар.....	26
29-модда. Кучга кириши.....	26

ИЛОВАЛАР

1-илова. Ассоциациялар жамоаларида иштирок этиши учун футболчиларни клуб машғулотларидан озод қилиш тартиби.....	27
2-илова. Фуқаролиги сабабли биттадан кўп Ассоциацияда иштирок этиш ҳуқуқига эга футболчиларнинг Ассоциация жамоаларида ўйнаш тартиби.....	30
3-илова. Футболчиларнинг бир Ассоциациядан бошқасига ўтишини бошқарувчи маъмурӣ тартибот.....	31
4-илова. Машғулот компенсациясини тўлаш тартиби.....	33
5-илова. Бирдамлик механизми тўловини аниқлаш тартиби.....	38
6-илова. Ўзбекистон футбол клублари учун “Футболчилар мақоми ва трансфери бўйича регламент”нинг алоҳида қоидалари.....	41
7-илова. ЎФАнинг методик кўрсатмалари.....	44

АТАМАЛАР

Собиқ Ассоциация – собиқ клуб тегишли бўлган ассоциация

Собиқ клуб – футболчи тарк этаётган жамоа

Янги Ассоциация – янги клуб тегишли бўлган ассоциация

Янги клуб – футболчи келаётган жамоа

Расмий ўйинлар – ўртоқлик ва синов ўйинларидан ташқари Ўзбекистон Профессионал футбол лигасининг “Мусобақаларни ўтказиш бўйича регламенти”да санаб ўтилган барча мусобақалар

Ташкиллаштирилган футбол – ФИФА, Конфедерациялар ва Ассоциациялар назорати остида ўтказиладиган ёки улар томонидан маъқулланган мусобақалар доирасидаги футбол

Кафолатланган давр – агар шартнома спортчи 28 ёшга тўлгунга қадар тузилган бўлса, уч тўлиқ мавсум ёки йил мобайнидаги давр (шартнома қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан қайси бири биринчи бошланишига қараб). Агар шартнома спортчи 28 ёшга тўлгандан сўнг тузилган бўлса, ушбу муддат икки йилгача ёки икки тўлиқ мавсумгача қисқаради (шартнома қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан қайси бири биринчи бошланишига қараб)

Профессионал шартнома – Профессионал футбол лигаси томонидан ўтказиладиган мусобақада иштирок этувчи футбол клуби ва футболчи ўртасида имзоланган ва рўйхатдан ўтказилган меҳнат шартномаси

Рўйхатдан ўтказиш даври – мазкур Регламентнинг 6-моддасига мувофиқ тегишли Ассоциация томонидан белгиланган давр

Мавсум – тегишли миллий чемпионатнинг биринчи расмий ўйини билан бошланадиган ва унинг охирги расмий ўйини билан якунланадиган давр

Машғулот компенсацияси – 4-иловага мувофиқ клуб ёш футболчини тарбиялаб вояга етказгани учун амалга ошириладиган тўлов

Вояга етмаган футболчи – 18 ёшга тўлмаган футболчи

Академия (мактаб) – узоқ муддатли мақсади футболчиларга керакли машғулот шароитлари ва инфратузилмани тақдим қилиш, узоқ муддатли тайёргарликни таъминлашдан иборат бўлган ташкилот ёки мустақил юридик тузилма. Бунда асосан тайёргарлик марказлари, машғулот марказлари, футбол мактаблари ва яна бошқалар хусусида сўз юритилади

Трансферларни кузатиб бориш тизими – асосий мақсади футболчиларнинг халқаро трансфери жараёнини соддалаштириш, шунингдек, ахборот шаффоғлиги ва унинг узатилишини такомиллаштиришдан иборат бўлган электрон ахборот тизими

Футбол ассоциациясининг ҳудудий бўлинмалари (ФАҲБ) – Ўзбекистон футбол ассоциациясининг Низомида белгиланган ҳудудий бўлинмалар

Футболчиларни паспортизацияси бўйича ПФЛнинг рўйхатдан ўтказувчи органи – Профессионал клубларга ёш футболчиларни рўйхатдан

ўтказиш жараёни билан бевосита шуғулланадиган Профессионал футбол лигаси бўлими

Рўйхатдан ўтказиш – Футболчи тўғрисидаги маълумотлардан иборат ёзма қайд тузиш далолатномаси. У қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

- рўйхатдан ўтказиш бошланган сана (шакли: кун/ой/йил);
- тўлиқ исм-шарифи (футболчининг исми, фамилияси, отасининг исми);
- туғилган санаси, жинси, миллати ва ҳаваскор футболчилик ёки профессионал футболчилик мақоми;
- футболчи ўйнайдиган клубнинг ассоциациядаги рўйхатга олинган номи;
- рўйхатдан ўтказиш вақтида клуб машғулотларининг таснифланиши.

Бридж-трансфер – мавжуд қонун-қоидаларни четлаб ўтиш ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахсларни алдаш мақсадида айнан бир футболчининг ўртада яна бир клуб учун рўйхатдан ўтиши билан амалга оширилган миллий ёки халқаро миқёсдаги иккита кетма-кет трансфер.

Prorata – маблағларнинг пропорционал тақсимланиши.



Қўшимча саволлар учун ФИФА мақомида “Тавсифлар” бўлимига қаранг. Жисмоний шахсларга нисбатан ушбу шартлар ҳар икки жинсга нисбатан жорий этилади. Бирлиқда берилган тавсифлар керак жойда кўплиқда ҳам қўлланилади ёки аксинча.

**UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE**

I. КИРИШ ҚОИДАЛАРИ

1-модда. Құлланиш соҳаси

1.1. Мазкур Регламент қуидагиларни белгилайди:

- футболчининг мақоми ва унинг тартибли футболда иштирок этиш ҳуқуқига тегишли умумий ва мажбурий қоидалар;
- 1-модда 3-бандига мувофиқ тарзда ФИФА томонидан тасдиқланувчи тегишли ассоциация томонидан чиқариладиган маҳсус қарорлар орқали тартибга солинадиган футболчининг ЎФА клублари ўртасида бир клубдан бошқа клубга ўтиш жараёни;
- мазкур Регламентда белгиланган қоидаларга мувофиқ футболчи ва клуб ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал қилиш қоидалари;
- футболчининг машғулотлари ва уни ўқитиш учун инвестиция киритаётган клубларга компенсация тўлаш тизими;
- футболчиларни амалдаги тартиб асосида рўйхатдан ўтказиш мамлакатда электрон ўтиш тизими жорий этилгунига қадар мажбурийдир;
- футболчини ассоциация терма жамоасига қўйиб юбориш жараёнини, шунингдек, ФИФА Футболчилар мақоми ва уларнинг бошқа клубларга ўтиш бўйича регламентининг 1-иловаси қоидаларига мувофиқ футболчининг ушбу жамоа учун ўйнаш ҳуқуқини тартибга соловчи қоидалар.

1.2. ФИФА Футболчиларнинг мақоми ва ўтиши бўйича регламентининг 2–8, 10, 11, 12bis, 18, 18bis, 18ter, 19 ва 19bis-моддалари тўлиқ инобатга олинган ва ушбу регламент таҳририга киритилган.

1.3. Ассоциация шартнома муносабатлари барқарорлигини ҳимоялаш учун мазкур Регламентга амалдаги қонун ҳужжатлари ва корпоратив битимлар шартлари билан мувофиқлаштирилган бандларни киритган. Шундан келиб чиқиб, қуида келтирилган моддаларда акс этган принципларга алоҳида эътибор қаратилган: 13, 14, 15, 16 ҳамда 17-модданинг 1, 2, 3, 5-бандлари.

II. ФУТБОЛЧИЛАР МАҚОМИ

2-модда. Футболчилар мақоми: ҳаваскор футболчилар ва профессионал футболчилар

2.1. Тартибли футболда иштирок этаётган футболчилар ҳаваскор ёки профессионал футболчилар ҳисобланади.

2.2. Клуб билан ёзма шартномага эга бўлган, футболчилик фаолиятини бошлаётганда у учун сарфланган компенсациясидан каттароқ сумма оладиган

футболчи профессионал футболчи ҳисобланади. Бошқа барча футболчилар ҳаваскор футболчилар ҳисобланади.

3-модда. Ҳаваскорлик мақомини тиклаш

3.1. Профессионал сифатида рўйхатдан ўтказилган футболчи профессионал футболчи мақомида ўтказган сўнгги ўйинидан эътиборан камида 30 кун мобайнида ҳаваскор футболчи сифатида қайта рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас.

3.2. Футболчининг ҳаваскор мақоми тикланишида ҳеч қандай компенсация тўлови назарда тутилмаган. Агар футболчи ҳаваскор мақоми тикланган кундан эътиборан 30 ой мобайнида профессионал футболчи сифатида қайта рўйхатдан ўтказилса, 20-моддага мувофиқ унинг янги клуби машғулот компенсациясини тўлаши керак.

4-модда. Футбол фаолиятининг тўхтатилиши

4.1. Шартномаси тугагандан сўнг ўз фаолиятини якунлаётган профессионал футболчи ва футболчилик фаолиятини якунлаётган ҳаваскор футболчи 30 ой мобайнида ўзининг сўнгги клуби сафида ЎзПФЛ рўйхатидан ўтказилган шартномани сақлаб қолиши керак.

4.2. Ушбу давр футболчи ўз клуби учун расмий ўйинда охирги марта иштирок этган кундан бошланади.

III. ФУТБОЛЧИЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

5-модда. Рўйхатдан ўтказиш

5.1. Футболчи ЎзПФЛда 2-модда қоидаларига мувофиқ профессионал футболчи сифатида рўйхатдан ўтказилиши керак. ЎзПФЛ рўйхатидан ўтган футболчигина клуб учун профессионал футболчи сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Рўйхатдан ўтказилган футболчи ФИФА, ОФК, ЎФА ва ЎзПФЛ Регламентлари ҳамда қарорларини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5.2. Ҳеч бир футболчи, мураббий ёки футбол клуби ходими бир вақтнинг ўзида иккита турли футбол клубида фаолият юритиш учун рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас.

5.3. Футболчилар жорий йилнинг 1 январидан 31 декабригача давр мобайнида энг кўпи билан учта клубда кетма-кет рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Ушбу давр мобайнида футболчи расмий ўйинларда фақат иккита клуб учун иштирок қилиш ҳуқуқига эга бўлади (учрашув қайдномасига киритилгани ҳам ҳисобга ўтади).

Ушбу қоидадан истисно сифатида кесишиб ўтадиган мавсумларга эга (масалан, мавсумнинг ёз/кузда бошланиши) ассоциацияларга тегишли иккита клуб ўртасида бир клубдан бошқа клубга ўтаётган футболчи олдинги клублари олдида ўз шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажарган шароитда тегишли мавсум мобайнида учинчи клуб учун расмий ўйинларда қатнашиши мумкин. Шу билан бирга рўйхатдан ўтказиш даврларига тегишли (6-модда), шартноманинг минимал давомийлигига тегишли (18-модда, 2-банд) қоидаларга риоя қилиниши керак.

5.4. Барча ҳолатларда мусобақанинг спорт яхлитлигига дикқат-эътибор қаратилиши керак. Шу жумладан, Регламентнинг қатъий қоидаларига боғлиқ равища футbolчи бир мавсум мобайнида битта миллий чемпионатда ёки кубок мусобақаларида қатнашаётган иккита клубдан кўпроқ клуб учун расмий ўйинларда иштирок этишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, ЎзПФЛдан рўйхатдан ўтган футbolчи бошқа ташкилот томонидан ташкиллаштирилган мусобақада иштирок этувчи клуб сафида рўйхатдан ўтиши тақиқланади.

5bis-модда. Оралиқ ўтиш

1. Ҳеч бир клуб ёки футbolчи бридж-трансферда иштирок этмаслиги лозим.

2. Агар бошқа бирор жиҳат кўзда тутилмаган бўлса, айнан бир футболчининг ўртада яна бир клуб учун рўйхатдан ўтиши билан амалга оширилган миллий ёки халқаро миқёсдаги иккита кетма-кет трансфер 16 ҳафта ичida амалга оширилса, томонлар (клублар ва футbolчи) бридж-трансферда иштирок этган, деб ҳисобланади.

3. ФИФА низоми ва қоидаларига бўйсунувчи исталган томон агар бридж-трансферда иштирок этса, унга нисбатан ФИФА тартиб-интизом қўмитаси томонидан ФИФА тартиб-интизом кодексига мувофиқ санкция қўлланилади.

6-модда. Рўйхатдан ўтказиш даври

6.1. Футbolчи ЎзПФЛ томонидан йилига икки марта рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган даврлардан бирида рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Ушбу қоидадан истисно тариқасида рўйхатдан ўтказиш даври якунлангунга қадар шартнома муддати тугаган ёки шартномаси узрли сабаб бўйича тугаган профессионал футbolчи ушбу рўйхатдан ўтказиш давридан ташқари рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Ассоциация бундай профессионал футbolчиларни рўйхатдан ўтказишга тегишли мусобақанинг спорт яхлитлигига етарлича дикқат-эътибор қаратиш шартида рухсат беради. Агар шартнома асосланган сабабга кўра бекор қилинса, ФИФА суистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ва 22-моддага мувофиқ вақтинчалик чоралар кўриши мумкин.



i. Ушбу қоидалардан вақтингчалик истисно тарзида, агар профессионал футболчининг шартнома муддати COVID-19 туфайли тугаса ёки бекор қилинса, рўйхатдан ўтказиш давридан қатъи назар исталган вақтда (шартнома тугаш муддати ёки бекор қилиниш санасидан қатъи назар) рўйхатдан ўтиши мумкин.

6.2. Биринчи рўйхатдан ўтказиш даври мавсум тугагандан сўнг бошланади ва одатда янги мавсум бошланишига қадар якунланади. Ушбу давр ўн икки ҳафтадан ошмайди (юқорида айтиб ўтилган вақтингчалик истиснолардан ташқари, бу давр 12 ҳафтадан ошмаслиги лозим). Иккинчи рўйхатдан ўтказиш даври одатда мавсумнинг ўртасига белгиланиб, тўрт ҳафтадан ошмайди. Мавсум учун белгиланган рўйхатдан ўтказишнинг икки даври қонуний кучга киргунга қадар камида ўн икки ой аввал трансферларни тартибга солиш тизимида (Халқаро трансфер сертификати) қайд этилади. Агар Ассоциация улар ҳақида вақтида маълумот бермаса, ФИФА рўйхатга олиш муддати саналарини аниқлаш ҳуқуқига эга

6.3. Футболчилар, 6-модданинг 1-бандида назарда тутилган истиснога мувофиқ, рўйхатдан ўтказиш даври мобайнида клуб томонидан рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжат тақдим этилгандагина рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

6.4. Рўйхатдан ўтказиш даврларига тааллукли қоидалар фақат ҳаваскор футболчилар қатнашаётган мусобақаларга қўлланилмайди. ЎФА ушбу мусобақалар учун даврларни бевосита ўзи белгилайди, ушбу давр мобайнида футболчилар тегишли мусобақанинг спорт яхлитлигига етарлича диққат-эътибор қаратиш шартида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

7-модда. Футболчи паспорти

7.1. Клуб футболчини ilk марта профессионал сифатида рўйхатдан ўтказаётганда уни рўйхатдан ўтказаётган ПФЛ органига ушбу футболчи бўйича керакли маълумотларни ўз ичига олган футболчи паспортини тақдим қилиши шарт. Паспортда футболчи 12 ёшга тўлган мавсумдан бошлаб у аъзо бўлган клублар (академия/мактаб) қайд этилган бўлиши керак.

7.2. Футболчининг туғилган куни мавсумлар орасига тўғри келса, у туғилган кундан кейин рўйхатдан ўтказган клуб футболчи паспортида қайд этилиши лозим.

7.3. Футболчи паспортининг шакли ЎФА томонидан белгиланган талабларга мос келиши лозим.

7.4. Футболчи паспорти унинг спорт фаолиятидаги маълумотлари акс этадиган, машғулот компенсацияси ҳисобланишида, бирдамлик тўловини ҳисоблаш ва тақсимлашда асос бўлиб хизмат қиладиган асосий ҳужжат

хисобланади. Футболчи паспортидаги маълумотлар уни рўйхатдан ўтказиш ниятидаги клуб, академия/мактаб томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан мос келиши шарт.

7.5. Футболчиларни рўйхатдан ўтказиш ва футболчиларнинг паспортини юритиш жараёнини ўша клуб, академия/мактаб жойлашган ҳудуддаги Ҳудудий ассоциация амалга оширади.

8-модда. Рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш

Профессионал футболчини рўйхатдан ўтказиш учун ариза футболчи шартномасининг нусхаси билан бирга тақдим этилиши керак. Рўйхатдан ўтказувчи орган ўз хоҳишига қараб, шартномага ҳар қандай тузатишларни ёки унга белгиланган тартибда тақдим қилинмаган қўшимча келишувларни эътиборга олишта ҳақли.

9-модда. Халқаро трансфер сертификати

9.1. Битта Ассоциацияда рўйхатдан ўтказилган футболчи олдинги Ассоциация томонидан берилган Халқаро трансфер сертификати (кейинги ўринларда – XTC) олингандан кейингина янги Ассоциацияда рўйхатдан ўтказилиши мумкин. XTC ҳеч қандай шартларсиз ва вақт бўйича чекланишларсиз бепул берилади (9-модданинг 5-бандида келтирилган ҳужжатлар бундан мустасно). Акс ҳолатдаги ҳар қандай талаблар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. XTC топширадиган Ассоциация унинг нусхасини ФИФАга юбориши керак. XTC топширилиши бўйича маъмурий тартиботлар мазкур Регламентнинг 3-иловасида келтирилган.

9.2. Ассоциациялар футболчининг назорат ўйинларида қатнашиш учун XTC талаб қилишга ҳақли эмас.

9.3. Янги Ассоциация футболчини 12 ёшдан 23 ёшгача (7-модда – “Футболчи паспорти”) тарбиялаган ва тайёрлаган клуб/академия/мактаб Ассоциациясини футболчи XTC олгандан сўнг профессионал футболчи сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қиласи.

9.4. 12 ёшга тўлмаган футболчи учун XTC талаб қилинмайди.

9.5. XTC расмий талаб қилиниши учун керакли ҳужжатлар:

- футболчининг фуқаролик паспорти (сканерланган нусхаси/ксерокопияси);
- амалдаги шартнома доирасида футболчининг маоши ва унга тўланадиган бошқа тўловлар қайд этилган ва ЎзПФЛда рўйхатдан ўтказилган шартнома (сканерланган нусхаси/ксерокопияси);
- футболчи меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг буни тасдиқловчи ҳужжат: шартнома тугайдиган сана кўрсатилган

шартнома нусхаси ёки клубдан тасдиқловчи хат тақдим қилиниши керак. Футболчининг меҳнат шартномаси муддатдан олдин бекор қилинган тақдирда, ҳар икки томон розилиги бўйича шартноманинг муддатдан олдин бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилиниши лозим;

- футболчи 12 ёшга тўлган календарь йилдан бошлаб у рўйхатдан ўтказилган футбол клублари тўғрисидаги хронологик ахборотни ўз ичига оладиган футболчи паспорти.

10-модда. Профессионал футболчини ижарага бериш шартлари

10.1. Профессионал футболчи унинг ўзи ва манфаатдор клублар ўртасидаги ёзма битим асосида бошқа клубга ижарага берилиши мумкин. Бу каби исталган ижара шартномаси футболчиларнинг бошқа клубга ўтиш, шу жумладан, машғулот компенсацияси тўловлари ва бирдамлик механизми шартларининг ягона қоидалари билан тартибга солинади.

10.2. 5-модданинг 3-бандига мувофиқ ижаранинг минимал даври бир рўйхатдан ўтказиш давридан бошқа рўйхатдан ўтказиш давригача бўлган оралиқ вақтни ташкил этади.

10.3. Футболчини ижара шартларида қабул қилаётган клуб футболчини ижарага берган клубнинг ва бевосита манфаатдор футболчининг ёзма рухсатисиз уни учинчи клубга топширишга ҳақли эмас.

11-модда. Рўйхатдан ўтказилмаган футболчилар

ЎзПФЛ томонидан рўйхатдан ўтказилмаган футболчининг клуб учун ЎзПФЛ байроғи остида ташкил этиладиган мусобақалар доирасидан ўрин олган расмий ўйиндаги ҳар қандай иштироки ноқонуний ҳисобланади. Бундай иштирокнинг спорт оқибатларини тузатишга қаратилган ҳар қандай чоралар учун заарсиз санкциялар футболчига ва/ёки клубга нисбатан қўлланиши мумкин. Бундай санкцияларни қўллаш ҳуқуқи асосан ЎФА ёки тегишли мусобақа ташкилотчисига тегишлидир.

12-модда. Дисквалификация бўйича интизомий санкциялар ижроси

12.1. Футболчига унинг олдинги ассоциацияси томонидан 4 та учрашувгача ёки 3 ойлик муддатгача дисквалификация борасида интизомий санкция қўлланилган бўлса-ю, бироқ унинг ижро муддати трансферни амалга ошириш пайтига келиб тугамаган бўлса, ушбу санкция футболчини рўйхатдан ўтказган янги Ассоциация томонидан ҳам ички мусобақаларда ижро этилиши керак.

ХТС топширишда олдинги ассоциация муддати тугамаган ҳар қандай интизомий санкция түғрисида янги Ассоциацияни трансферларни мувофиқлаштириш тизими (TMS FIFA) орқали хабардор қилиши керак (шунингдек, ҳаваскор футболчи сифатида рўйхатдан ўтказилган футболчи учун ҳам).

12.2. Футболчи 4 та ўйин ёки 3 ойдан кўпроқ муддатли интизомий санкцияни ўтаб улгурмаган бўлса ва ФИФА Интизом қўмитаси ушбу санкция ижросини барча Ассоциациялар учун мажбурий деб топса, футболчини рўйхатдан ўтказган янги Ассоциация жазони ижро этиши керак.

Қўшимчасига, ХТС беришда олдинги ассоциация муддати ўталмаган ҳар қандай интизомий санкция түғрисида янги Ассоциацияни хабардор қилиши керак. Бунда профессионал футболчи мақомида рўйхатдан ўтказилган футболчилар түғрисида трансферларни мувофиқлаштириш тизими орқали, ҳаваскор футболчи мақомида рўйхатдан ўтказилган футболчилар түғрисида эса хат орқали маълумот берилади.

12bis-модда. Кредиторлардан қарздорликлар

1. Клуб футболчилар ва бошқа клублар олдидағи, шунингдек, профессионал футболчилар билан имзоланган шартномалар ва трансфер келишувларида кўрсатилган шартларга мувофиқ, ўз молиявий мажбуриятларига риоя қилиши лозим.

2. Шартнома бўйича тўловларни асоссиз равишда 30 календарь кунидан ортиқ муддат давомида кечиктираётган исталган клубга шу модданинг 4-бандида санаб ўтилган санкциялар қўлланилиши мумкин.

3. Ушбу моддага кўра, клубни қарздор сифатида кўриб чиқиш мақсадида кредитор (футболчи ёки клуб) қарздор клубни ёзма равишда хабардор қилиб, ўз молиявий мажбуриятларини бажариши учун камида 10 кун мұхлат тақдим этиши лозим.

4. Футболчилар мақоми ва ўтиши бўйича қўмита, Низоларни ҳал қилиш палатаси (НХП), ягона ҳакам ёки НХП ҳаками ўзининг тегишли юрисдикцияси доирасида (22, 23, 24-моддалар) қуйидаги санкцияларни қўллаши мумкин:

- a) огоҳлантириш;
- b) ҳайфсан;
- c) жарима;

d) кейинги бир ёки икки рўйхатдан ўтказишнинг тўлиқ давларида миллий ёки ҳалқаро миқёсда янги футболчиларни рўйхатдан ўтказишни тақиқлаш.

5. Мазкур 4-бандда кўзда тутилган санкциялар биргаликда қўлланилиши ҳам мумкин.

6. Молиявий мажбуриятларнинг такрорий бузилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрилиб, янада оғирроқ жазо чоралари кўрилишига сабаб бўлиши мумкин.

7. Рўйхатга олишни тақиқлашнинг ижроси тўхтатиб турилиши мумкин. Рўйхатга олишни тақиқлашни тўхтатиб туриб, қарор қабул қилувчи орган санкцияга тортилган клубга 2 ойдан икки йилгача синов муддати тақдим этади.

8. Агар рўйхатга олишни тақиқлаш ижроси тўхтатилган синов даврида ҳам шу клуб бошқа ҳуқуқбузарликка йўл қўйса, тақиқлашни тўхтатиб туриш автоматик тарзда бекор қилинади, шунингдек, янги ҳуқуқбузарлик учун қўшимча санкция ҳам белгиланади.

9. Агар контракт муносабатлари бир томонлама бекор қилинса, ушбу модда шартлари 17-моддага мувофиқ қўлланиладиган кейинги чораларга таъсир қилмаслиги керак.

IV. ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛЧИЛАР ВА КЛУБЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАЛАР БАРҚАРОРЛИГИНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ЧОРАЛАР

13-модда. Шартноманинг устуворлиги ва шартномага риоя қилиш

13.1. Профессионал футбол клуби ва профессионал футболчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси одатда футбол мавсуми давомида муддатидан олдин бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Мазкур Регламент ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

13.2. Профессионал футболчи ҳамда футбол клуби ўртасидаги амалдаги меҳнат шартномаси компенсация тўловисиз бекор қилиниши мумкин ва/ёки меҳнат шартномаси муддати тугаганидан сўнг спорт санкциялари қўлланган тарзда, шунингдек, тарафларнинг келишувига кўра, ёки томонларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли, бундан ташқари, мазкур Регламент ҳамда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига белгиланган ҳолатлар бўйича ҳам бекор қилиниши мумкин.

13.3. Профессионал футболчи ҳамда футбол клуби ўртасидаги амалдаги меҳнат шартномаси мазкур Регламентда назарда тутилган етарли асослар мавжуд бўлганда тарафлардан бирининг ташаббуси билан ҳеч бир оқибатларсиз бекор қилиниши мумкин. Агар меҳнат шартномаси узрли сабабларсиз бекор қилинса, у ҳолда қоида бузувчи томон иккинчи томонга кўрсатилган ҳолатлар бўйича мазкур Регламентда қайд этилган ҳисоблаш тартибида компенсация тўлаб бериш мажбуриятини олади.

14-модда. Футболчининг ташаббуси билан узрли сабабларга кўра шартноманинг бекор қилиниши

14.1. Мазкур модда футболчидан ташқари мураббий ҳамда футбол мутахассисларига ҳам тегишилидир.

14.2. Футболчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасининг узрли сабабга кўра бекор қилиниши ўз ичига қўйидагиларни олади:

а) профессионал футбол клуби томонидан меҳнат шартномаси ва/ёки ички меҳнат тартиб-қоидалари, бошқа локал меъёрий ҳужжатларнинг қўпол равища бузилиши;

б) футбол клубининг мусобақа иштирокчилари сафидан чиқарилиши;

с) мазкур Регламент асосида футболчининг ҳаваскорлик мақоми тикланиши.

14.3. Қўйидагилар меҳнат шартномаси ва/ёки ички меҳнат тартиб-қоидалари, бошқа локал меъёрий ҳужжатларнинг қўпол равища бузилиши хисобланади:

а) футбол клуби футболчига ойлик маошини бериши лозим бўлган кундан 30 календарь кун ўтган ҳолатида клуб томонидан футболчига тўланиши лозим бўлган ойлик иш ҳақи ва/ёки ҳар ой бериладиган бошқа кўринишдаги тўловларларнинг умумий йиғиндиси камидаги 2 ойлик иш ҳақи миқдорича қарздорлиги бўлса;

б) олган жароҳати ҳамда бошқа касаллик натижасида меҳнатга лаёқатсиз бўлмаган, шунингдек, футбол билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятдан четлаштирилмаган ёки бошқа клубга ижара шартномаси асосида ўтказилмаган 18 ёшга тўлган футболчининг клубга тегишли минимум битта жамоадан рўйхатдан ўтказилмаганда;

с) мусобақаларга тайёргарлик кўриш жараёнида клуб жамоалари машғулотларидан асоссиз равища яккалаш орқали (агар тиббий хулоса асосида меҳнатга лаёқатсиз хисобланмаса) футболчининг/мурабийларнинг/мутахассисларнинг ҳуқуқлари бузилганда (шу клубнинг бошқа футболчиларига нисбатан дискриминацияланганда);

д) Низоларни ҳал қилиш палатаси тарафидан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ва/ёки бошқа кўринишдаги тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд деб чиқарилган қарор ижроси клуб томонидан белгиланган муддатда бажарилмаганда;

е) профессионал футбол клуби томонидан қўпол равища йўл қўйилган бошқа турдаги қоидабузиш ҳолатлари (қоидабузишлар йиғиндиси).

14bis-модда. Қонуний асос мавжуд бўлган ҳолатда тўловлар бўйича қарздорлик сабабли шартноманинг бекор қилиниши

1. Агар клуб қонунга хилоф тарзда футболчига камидаги 2 ойлик иш ҳақини тегишили саналарда тўламаса, у ҳолда футболчи шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бунда футболчи қарздор клубни ёзма равища хабардор қилиб, шу клуб ўз молиявий мажбуриятларини тўлиқ бажариши учун 15

календарь кун муддат тақдим этиши керак бўлади. Ушбу қоидани қўллаш вақтида шартномалардаги бошқа ҳолатлар эътиборга олиниши мумкин.

2. Ойлик маошдан бошқа тўловларга нисбатан ҳам 14bis-модданинг 1-бандидаги ҳолатни қўллаш мумкин. Бунда мазкур тўловларнинг умумий суммаси футболчининг икки ойлик меҳнат ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

3. Иш берувчининг вакиллари ва ишчилар ўртасидаги жамоавий келишувлар миллий қонунчиликка мувофиқ тузилган бўлса, шу модданинг 1 ва 2-бандларида келтирилган принциплардан фарқланиши мумкин. Бунда келишув шартлари устувор кучга эга ҳисобланади.

15-модда. Спорт тамойиллари билан боғлиқ қонуний асос мавжуд ҳолатда шартномани бекор қилиш

15.1. Мавсум давомида профессионал футбол клубининг асосий таркибида 10 фоиздан кам расмий ўйинда майдонга тушган профессионал футболчи мазкур моддада кўрсатиб ўтилган қоидалардан келиб чиқиб, шартномани муддатидан аввал бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

15.2. Мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган 10 фоиз ҳисоби профессионал футбол клуби асосий жамоасининг ички ҳамда халқаро мусобақаларда иштирок этгани ва/ёки шу клубнинг иккинчи рақамли жамоасидаги ўйинлари орқали олинади.

15.3. Мазкур модда қўйидаги ҳолатларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- 21 ёшга тўлиб улгурмаган футболчига нисбатан;
- профессионал футбол клуби таркибида жорий мавсум учун дарвозабон сифатида рўйхатдан ўтказилган футболчига нисбатан;
- агар футболчи расмий футбол учашувларида майдонга 10 фоиздан камроқ ҳолатда қўйида кўрсатилаган ҳолатлар сабаб чиқарилган бўлса:

- олган жароҳатлари ёки орттириб олган касаллиги натижасида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлганлиги;
- 1 ойдан кўпроқ муддатли спорт дисквалификацияси ёки футбол фаолияти билан шуғулланишга оид тақиқлар бўлганида;
- бошқа футбол клубига ижарага берилганида.

15.4. Профессионал футболчи жамоа билан меҳнат шартномасини шу модда асосида муддатидан олдин бекор қилишни истаса, спорт асосларини аниқлаш учун мазкур жамоа таркибидаги сўнгги расмий учрашувдан 15 календарь кун ўтиб, Низоларни ҳал қилиш палатасига мурожаат этиши керак.

Профессионал футболчи томонидан белгиланган муддат бузилса, унинг меҳнат шартномаси шу модда шартлари асосида бекор қилинишига йўл қўйилмайди, шунингдек, профессионал футболчига нисбатан спорт санкциялари қўлланилиши мумкин.

15.5. Профессионал футболчи меҳнат шартномасини мазкур моддага мувофиқ бекор қилса, унга нисбатан спорт санкциялари қўлланилмайди.

Аммо Низоларни ҳал қилиш палатаси қарори билан шартноманинг муддатидан аввал бекор қилиниши учун компенсация белгиланиши мумкин.

15.6. Низоларни ҳал қилиш палатаси меҳнат шартномасини бекор қилиш учун сабабнинг бор ёки йўқлиги борасида ҳар бир ҳолат учун алоҳида қарор чиқаради.

16-модда. Мавсум мобайнида шартномани бекор қилишнинг тақиқланиши

Шартнома мавсум мобайнида бир томонлама тартибда бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

17-модда. Қонуний асоссиз шартномани бекор қилиш оқибатлари

Қўйидаги қоидалар шартнома қонуний асоссиз бекор қилинган ҳолатда қўлланади:

17.1. Барча ҳолатларда шартномани бузган томон компенсация тўлайди. Тўлов мезонлари ўз ичига пул мукофотлари ва мавжуд шартномада кўрсатилган бошқа тўловларни ва/ёки янги шартномада кўрсатилган бошқа тўловларни амалга ошириш шартларини, мавжуд шартноманинг амал қилиш муддати якунигача қолган кўпи билан беш йилгача муддатни, эски клуб томонидан тўланган тўловлар ёки харажатларни (шартнома муддати мобайнида амортизацияланади) ва кафолатланган давр мобайнида шартнома шартлари билан боғлиқ шартларнинг бузилиши ёки бузилмагани каби ҳолатларни ўз ичига олиши керак.

17.2. Компенсация учун ҳуқуқ учинчи томонга берилиши мумкин эмас. Агар профессионал футболчи компенсация тўлаши керак бўлса, профессионал футболчи ва унинг янги клуби ушбу тўлов учун биргаликда жавобгар бўлади. Компенсация миқдори шартномада кўрсатилиши ёки томонлар вакиллари ушбу миқдор хусусида ўзаро келишиб олишлари мумкин.

17.3. Компенсация тўлаш мажбуриятига қўшимча равишда, кафолатланган давр мобайнида шартнома шартлари бузилганлиги учун жавобгар деб топилган футболчига нисбатан спорт санкциялари ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, санкция футболчининг расмий учрашувларда 4 ойгача муддат давомида иштирок этишини тақиқлашдан иборат бўлиши мумкин. Оғирлаштирувчи вазиятлар мавжуд бўлса, тақиқлаш 6 ойлик муддатгача узайтирилиши мумкин. Спорт санкцияси футболчи тегишли қарор тўғрисида хабардор қилингандан сўнг дарҳол қонуний кучга киради. Спорт санкциялари мавсумнинг сўнгги расмий учрашуви ва навбатдаги мавсум, шу жумладан, миллий кубоклар ва халқаро клуб мусобақаларининг биринчи расмий ўйини ўртасидаги даврда тўхтатиб қўйилади. Спорт санкцияларининг бу каби тўхтатиб қўйилиши, агар футболчи ўз ассоциациясининг миллий жамоаси аъзоси бўлса, ушбу ассоциация мавсумнинг сўнгги расмий учрашуви

ва навбатдаги мавсумнинг биринчи расмий учрашуви ўртасидаги давр мобайнида халқаро мусобақанинг финал ўйинида иштирок қилган ҳолатдагина қўлланилади. Ҳимояланган даврдан сўнг шартноманинг узрли сабабларсиз бир томонлама бекор қилиниши спорт санкцияларини қўллашга олиб келмайди. Шунга қарамай, ҳимояланган даврдан ташқари, футболчи шартноманинг амал қилиш муддатини тўхтатиши учун ўзи рўйхатдан ўтган клубга мавсумнинг сўнгги расмий ўйинидан кейин 15 календарь куни ичидаги билдириш хатини юбориши ва 15 календарь кун кутиши керак, йўқса унга интизомий санкциялар қўлланиши мумкин. Шартнома тикланиб, шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилса, ҳимояланган давр қайтадан бошланади.

17.4. Компенсация тўлаш мажбуриятига қўшимча равишда, кафолатланган давр мобайнида шартнома шартлари бузилганлиги учун жавобгар деб топилган ёки шартнома шартлари бузилишига таъсир кўрсатган ҳар қандай клубга нисбатан спорт санкциялари қўлланиши керак. Агар ушбу ҳолатга нисбатан ҳеч қандай зид шартлар белгиланмаган бўлса, шундай қарор қабул қилиниши керакки, қонуний шартномани асоссиз бекор қилган профессионал футболчи билан шартнома имзолаётган ҳар қандай клуб профессионал футболчини шартнома муносабатларини бузишга рағбатлантираётган бўлади. Клубга иккита тўлиқ ва кетма-кет рўйхатдан ўtkазиш даврида (ҳам миллий миқёсда, ҳам халқаро миқёсда) ҳар қандай янги футболчиларни рўйхатдан ўtkазиш тақиқлаб қўйилади. Бунда футбол клубига профессионал шартнома имзолаб улгурмаган ўз академияси/мактаби тарбияланувчиси билан ёки шу ҳудуддаги бошқа футбол академияси/мактаби тарбияланувчиси билан имзоланган шартномани рўйхатдан ўtkазишга рухсат берилади.

Клуб тааллуқли спорт санкциясининг амал қилиш муддати тугагандан кейинги навбатдаги давр бошидангина ҳам миллий миқёсда, ҳам халқаро миқёсда янги футболчиларни рўйхатдан ўtkазишга ҳақли бўлади. Шу жумладан, клуб эртароқ босқичда футболчиларни рўйхатдан ўtkазиш учун мазкур Регламентнинг 6-моддаси 1-бандида қайд этилган истиснолар ва вақтинчалик чоралардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

17.5. ФИФА, ОФК, ЎФА, ЎзПФЛ Уставлари ва Регламентлари юрисдикциясида бўлган, футболчининг бошқа клубга ўтишини енгиллаштириш мақсадида профессионал футболчи ва клуб ўртасида футболчини шартнома муносабатларини бузишга рағбатлантиришга уринаётган ҳар қандай шахс (клублар вакиллари, агентлар, футболчилар ва х.к.) жазоланади.

18-модда. Профессионал футболчилар ва клублар ўртасидаги шартномаларга тегишли маҳсус қоидалар

18.1. Шартнома тузиш вақтида воситачи жалб қилинса, ушбу меҳнат шартномасида воситачининг исми ва фамилияси кўрсатилган белги қайд этилиши, унинг паспорти ксерокопияси, воситачилик тўғрисида Декларация ва футболчи (тренер, шифокор, массажист) ва/ёки клуб вакили эканини тасдиқловчи шартнома тақдим қилиниши керак.

18.2. Шартноманинг минимал давомийлиги шартнома қонуний кучга киритиладиган пайтдан мавсум охиригача бўлган муддатга тенг бўлиши керак. Шартноманинг максимал давомийлиги – 5 йил. 18 ёшга тўлмаган футболчи уч йилдан кўпроқ муддатга професионал шартномани имзолашга ҳақли эмас. Узоқроқ муддатларга тегишли ҳар қандай шартлар тан олинмайди.

18.3. 16 ёшга тўлган шахслар билан меҳнат шартномаси тузилишига йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан белгиланган ҳолатлар бундан мустасно. Футболчи томонидан мажбурий умумий таълим олинган ёки қонунга мувофиқ у томондан умумтальим муассасасидаги ўқишдан бўш вақтида бажариш шарти билан 15 ёшга тўлган шахслар меҳнат шартномасини тузишлари мумкин. Айрим ҳолатларда ўқувчи ҳисобланган ва 14 ёшга тўлган футболчи билан ўқишдан бўш вақтда унинг соғлиғига зарар етказмайдиган енгил меҳнатни бажариш шарти билан ўқув жараёнини бузмайдиган меҳнат шартномаси тузилиши мумкин. 18 ёшгача футболчиларнинг меҳнат шартномалари ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан имзоланиши шарт.

18.4. Професионал футболчи билан шартнома тузмоқчи бўлган клуб ушбу професионал футболчи билан музокараларга киришишдан олдин унинг жорий клубини ёзма равишда хабардор қилиши керак. Професионал футболчи жорий клуби билан шартноманинг амал қилиш муддати тугаган ёки 6 ой мобайнида тугайдиган шароитдагина янги шартнома тузishi мумкин. Ушбу қоиданинг ҳар қандай бузилиши тегишли санкциялар қўлланишига олиб келиши мумкин.

18.5. Шартноманинг амал қилиш муддати тиббий комиссия хулосасининг ижобий бўлишига ва/ёки ишлашга рухсатнома олинишига боғлиқ бўлиши мумкин эмас.

18.6. Агар професионал футболчи бир даврнинг ўзида биттадан кўпроқ шартнома тузган бўлса, 4-бобда кўзда тутилган қоидалар қўлланиши лозим.

V. УЧИНЧИ ТОМОНЛАР ТАЪСИРИ

18bis-модда. Учинчи томонларнинг клубларга таъсири

1. Ҳеч бир клуб клуб/контрагент клубларга ёки ҳар қандай бошқа учинчи шахсга меҳнат ва трансфер муносабатларига, ўз мустақиллигига, сиёсатига ёки ўз жамоаси учун иштирок этишига таъсир кўрсатиш имконини берувчи шартнома тузмаслиги керак.

2. ФИФА Интизом қўмитаси мазкур моддада қайд этилган талабларга риоя қилмайдиган клубга нисбатан интизомий санкциялар қўллаши мумкин.

18ter-модда. Учинчи шахслар томонидан футболчиларнинг иқтисодий (мулк ҳуқуқларига) ҳуқуқларига эгалик қилиниши

Ҳеч бир клуб ёки футболчи учинчи шахслар билан шартноманинг амал қилиши доирасида учинчи шахслар футболчининг келгуси трансферида компенсация тўланишига тўлиқ ёки қисман таъсир кўрсатиши ёхуд учинчи шахсларга келгуси трансфер ёки трансфер компенсацияси юзасидан ҳар қандай ҳуқуқларни бериши мумкин бўлган шартнома муносабатларига киришмаслиги керак.

Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган тақиқ 2015 йил 1 майдан кучга киради. 1-бандда назарда тутилган ва 2015 йил 1 майга қадар тузилган шартномалар унда белгиланган муддатга қадар амалда бўлади. Бундай шартномалар узайтирилиши мумкин эмас.

Ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган, 2015 йил 1 январдан 2015 йил 30 апрелга қадар тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддати у имзоланган санадан бошлаб 1 йилдан ошмаслиги лозим.

Ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган, 2015 йил апрель ойи охирига қадар мавжуд бўлган амалдаги шартномалар Трансферларни кузатиб бориш тизими (TMS)га киритилиши лозим. Шундай шартнома тузган барча клублар шартномаларни тўлиқ тарзда TMSга киритиши шарт. Бунда эҳтимолий ўзгартиришлар, тегишли учинчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар, футболчининг исм-фамилия-шарифи, шартноманинг амал қилиш муддати кўрсатилиши лозим.

ФИФА Интизом қўмитаси мазкур моддада қайд этилган талабларга риоя қилмайдиган клубга нисбатан интизомий санкциялар қўллаши мумкин.

VI. ВОЯГА ЕТМАГАН ФУТБОЛЧИЛАР ИШТИРОКИДАГИ ХАЛҚАРО ТРАНСФЕРЛАР

19-модда. Вояга етмаган футболчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

19.1. Футболчиларнинг халқаро трансферлари улар 18 ёшга тўлганидан кейин амалга оширилиши мумкин.

19.2. ЎҒА футболчиларни рўйхатдан ўтказиш бўйича қўйидаги ҳаракатларга рухсат беради:

а) Ушбу Регламентнинг 7-иловасига мувофиқ бўлган методик кўрсатмаларда назарда тутилган вояга етмаган футболчи иштирокидаги халқаро трансфер;

б) Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган вояга етмаган футболчининг илк марта рўйхатдан ўтказилиши.

19.3. Футбол клубини биринчи марта рўйхатдан ўтказиш ёки вояга етмаган футболчи иштирокидаги халқаро трансферга рухсат бериш бўйича аризаси ушбу Регламентнинг 7-иловасига мувофиқ бўлган методик кўрсатмаларда назарда тутилган ҳолатларга мос эканини тасдиқловчи ҳужжатлар билан биргаликда ЎФАга тақдим этилиши лозим. Ариза ЎФА томонидан фақатгина зарур ҳужжатлар ҳамда уларнинг давлат тилига таржимаси тўлиқ тарзда тақдим этилганидан кейин кўриб чиқилади. Зарур ҳолларда ЎФА қўшимча ҳужжатлар талаб қилишга ҳақли.

19.4. ЎФА томонидан рухсат берилганидан сўнг шу модданинг 19.2-банди «а» пунктида кўрсатилганидек футбол клуби Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган вояга етмаган футболчини мусобақа учун рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фақат (ФИФАнинг Футболчиларнинг мақоми ва ўтиши бўйича Регламенти қонун-қоидаларига мос равишда) XTC олиниши ва ушбу ҳолат ўша мусобақа Регламентига зид бўлмаслиги лозим.

19.5. ЎФА томонидан рухсат берилганидан сўнг шу модданинг 19.2-банди «б» пунктида кўрсатилганидек, футбол клуби вояга етмаган футболчини мусобақа учун рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фақат ушбу ҳолат ўша мусобақа Регламентига зид бўлмаслиги лозим.

Футболчининг келгусидаги рўйхатдан ўтиши, халқаро трансфери ёки ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ рухсат берилган илк рўйхатдан ўтиши фақат профессионал футбол клуби ёхуд профессионал футбол клубининг мактаби томонидан ЎФАдан қайта рухсат олинганидан кейингина амалга оширилиши мумкин. Мазкур қоидага амал қиласлик айбдор шахсларга нисбатан чора қўллашга сабаб бўлади.

19.6. Ушбу қоидадан истисно бўлиши учун футболчининг ота-онаси футбол билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра янги клуб жойлашган мамлакатга кўчиб келиши керак.

19.7. Мазкур модда шартлари бундан аввал ҳеч қандай клубда рўйхатдан ўтказилмаган ва мамлакат фуқароси бўлмай туриб, биринчи марта рўйхатдан ўтишни хоҳлаган футболчиларга ҳам тегишлидир.

19.8. ЎФА ушбу қоидалар ўз клублари томонидан бузилмаслигини кафолатлайди.

19.9. Футболчилар мақоми бўйича қўмита юзага келадиган барча мунозарали масалалар бўйича якуний қарор қабул қилиш ва ушбу қоидалар бузилган тақдирда тегишли санкциялар қўллаш ваколатига эга бўлиши лозим.

19bis-модда. Академия/мактаблар томонидан вояга етмаган футболчиларнинг рўйхатдан ўтказилиши ва улар тўғрисида ахборот (ҳисобот) тақдим этилиши

1. Клуб билан юридик, молиявий ёки де факто муносабатларга эга академияни бошқарувчи клублар, барча вояга етмаган футболчилари

тўғрисида академия фаолият олиб борадиган ҳудуддаги ассоциацияга тегишли ахборот тақдим этиши лозим.

2. ЎФА клуб билан юридик, молиявий ёки де факто муносабатларга эга бўлмаган:

а) тегишли миллий чемпионатларда қатнашаётган бирор-бир клуб томонидан бошқарилаётганига ишонч ҳосил қилиши керак. Бунда барча футболчилар клубда рўйхатдан ўтказилишлари ва академия ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуддаги ассоциацияга аъзолик рўйхатига киритилиши ёки

б) ўқиш мақсадида академияга қатнайдиган барча вояга етмаган футболчилар тўғрисида академия фаолият юритаётган ҳудуддаги ассоциацияга тегишли ахборот тақдим этиши лозим.

3. Ассоциация ва унинг ҳудудий бўлинмалари клублар ёки академиялар маълум қилган барча вояга етмаган футболчилар хисобини (исм-шарифлари, түфилган саналари) юритиши керак.

4. Ассоциацияни хабардор қилиш орқали академиялар ва футболчилар ФИФА Уставига мувофиқ футбол фаолияти билан шуғулланиш, тартибли футболнинг одоб-ахлоқ тамойилларини ҳурмат қилиш ва ривожлантириш мажбуриятини қабул қиласидар.

5. ФИФАнинг Интизом кодексига мувофиқ ушбу қоиданинг ҳар қандай бузилишлари Интизом қўмитаси томонида санкциялар қўлланиши учун асос бўлиб хизмат қиласидар.

6. 19-модда мамлакат фуқаролари бўлмай туриб, рўйхатга олинишини хоҳлаган барча вояга етмаган футболчилар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишига нисбатан ҳам қўлланади.

VII. МАШҒУЛОТ КОМПЕНСАЦИЯСИ ВА БИРДАМЛИК МЕХАНИЗМИ

20-модда. Машғулот компенсацияси

20.1. Машғулот компенсацияси футболчи профессионал футболчи сифатида ўзининг биринчи шартномасини имзолаётганда ва профессионал футболчи мавсум охиригача 23 ёшгacha бўлган ҳар бир трансферида уни тайёрлаган клубга тўланиши керак.

20.2. Ушбу Регламентга мувофиқ машғулот компенсация пули олиш ҳуқуқига фақатгина уни тарбиялаш жараёнида иштирок этган ҳамда футболчи паспортига киритилган футбол клуби/академия/мактабгина эгадир.

20.3. Футбол клуби/академия/мактаби машғулот компенсацияси пулини олиш ҳуқуқини бошқа шахсларга бера олмайди.

20.4. Футбол клуби/академия/мактаб тоифаси, ҳар бир тоифа коэффициенти, машғулот компенсация пулини ҳисоблаш тартиби мазкур Регламентнинг 4-иловасида белгиланган.

20.5. Машғулот компенсацияси пули биринчи клуб ва футболчи паспортига мувофиқ у таҳсил олган клуб/академия/мактаб ўртасида тузилган компенсация тўловлари тўғрисидаги шартнома асосида мажбурий равишда тўланади.

20.6. Компенсация тўловлари тўғрисидаги шартноманинг намунавий шакли қўллаш учун мажбурийдир. Компенсация тўловлари тўғрисидаги шартномани томонлар ушбу Регламентга зид бўлмаган қоидалар билан тўлдиришга ҳақлидирлар.

20.7. Машғулот компенсацияси пули миқдори юзасидан келиб чиқадиган низолар Низоларни ҳал этиш палатаси томонидан кўриб чиқиласди.

20.8. Футболчи профессионал, ярим профессионал, ҳаваскорлар ёки аёллар профессионал клуби билан илк бор меҳнат шартномасини имзолаганда, машғулот компенсацияси пули ва уни тўлаш муддати билан боғлик ҳар қандай низо футболчининг профессионал спорт фаолиятига таъсир қилмаслиги лозим.

20.9. Машғулот компенсацияси пулинин тўлаш муддатига амал қилинмаган тақдирда тегишли футбол клубга нисбатан спорт санкциялари қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, машғулот компенсацияси пулинин тўлаш муддатидан кечиккан профессионал футбол клуб, агар компенсация тўловлари тўғрисидаги шартномада бу борада бошқа қўшимча шартлар кўрсатиб ўтилмаган бўлса, футболчини тарбиялаган клуб/академия/мактабга Низоларни ҳал этиш палатаси қарори асосида жарима тўлади.

20.10. Мазкур Регламентнинг 18 ҳамда 21-моддаларида, шунингдек 4 ва 5-иловаларида белгиланган бошқа шартлар инобатга олинган ҳолатда, футболчининг собиқ клуби агар у билан меҳнат шартномаси тузган профессионал футбол клуб бўлса-ю, аммо компенсация тўлаш бўйича биринчи клуб бўлмаса, бундай ҳолатда футболчининг янги клуби компенсация тўлайдиган биринчи клуб ҳисобланиб, компенсация тўлаш бўйича биринчи клуб бўлмаган профессионал футбол клуб янги клуб томонидан мазкур моддада кўрсатилган компенсация турларидан фақат биттасини тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

20.11. Компенсация пулинин тўлаш мажбурияти, агар футболчининг бошқа клубга ўтиши унинг амалдаги шартномаси даврида ёки унинг тугашига тўғри келганида пайдо бўлади. Машғулот компенсациясини белгилайдиган меъёрлар ушбу Регламентнинг 4-иловасида келтирилган.

21-модда. Бирдамлик механизми

Агар профессионал футболчи шартномасининг амал қилиш муддати тугагунгача бошқа клубга ўтса, ушбу профессионал футболчининг олдинги клубига тўланадиган компенсациянинг бир қисми уни тайёрлаш учун маблағ сарфлаган ҳар қандай клубга тақсимланиши керак (бирдамлик тўлови).

Бирдамлик тұловига тегишли қоидалар мазкур Регламентнинг 5-иловасида келтирилган.

VIII. ЮРИСДИКЦИЯ

22-модда. ФИФА ваколатлари

Хар қандай футболчи ёки клуб ҳуқуқига путур етказмасдан туриб ишга ёллаш масалалари бүйича суд тартибида компенсация талаб қилиш.

ФИФА ваколатида қуйидагилар қолади:

а) агар ХТС учун расмий талаб бўлса ва агар манфаатдор томонларнинг биридан ушбу ХТСнинг берилиши юзасидан, спорт санкциялари юзасидан ёки шартнома бузилганини учун компенсациялар юзасидан шикоят тақдим этилган бўлса, футболчилар ва клублар ўртасида шартномага сўзсиз риоя қилишни кафолатлайдиган чоралар билан боғлиқ масалалар бўйича юзага келадиган даъволарни ҳал қилиш (13–18-моддалар).

б) агар миллий миқёсдаги ассоциация доирасида ва/ёки жамоавий шартнома доирасида ишларнинг адолатли кўриб чиқилишини ҳамда футболчилар ва клубларнинг тенг вакиллик принципи ҳурмат қилинишини таъминлайдиган мустақил ҳакамлик суди ташкил қилинмаган бўлса, футболчи ва клуб ўртасидаги, шунингдек, халқаро кўламга эга ишга ёллаш билан боғлиқ даъволарни ҳал қилиш.

с) агар миллий миқёсда ишларнинг адолатли кўриб чиқилишини таъминлайдиган мустақил ҳакамлик суди ташкил қилинмаган бўлса, клуб ёки ассоциация ва мураббий ўртасида халқаро кўламга эга ишга ёллаш билан боғлиқ даъволарни ҳал қилиш.

д) турли ассоциацияларнинг клублари ўртасида футболчиларни тайёрлаш (20-модда) ва бирдамлик механизми (21-модда) учун компенсация билан боғлиқ даъволар.

е) бир ассоциацияга тегишли клублар ўртасида бирдамлик механизми (21-модда) юзасидан даъволар, даъволашув асосини ташкил қилган футболчи трансфери турли ассоциацияларга тегишли клублар томонидан амалга ошириладиган шароитда.

ф) турли ассоциация клублари ўртасида 22-модданинг а, б ва е кичик бандларида назарда тутилган ҳолатларга тегишли бўлмаган даъволар.

23-модда. Футболчилар мақоми бўйича қўмита

23.1. Футболчилар мақоми бўйича қўмита 22-модданинг с ва f кичик бандларига мувофиқ барча даъво ва низоларни, шунингдек 24-модда қоидаларига риоя қилиш шартида мазкур регламент қўлланишидан келиб чиқадиган барча бошқа даъво ва низоларни ҳал қиласи.

23.2. Футболчилар мақоми бўйича қўмита ёки даъво ва низоларни ҳал қилиш палатаси ваколатлари юзасидан шубҳалар пайдо бўлган ҳолатда, қайси орган тегишли юрисдикцияга эга эканлиги тўғрисидаги қарор Футболчилар мақоми бўйича қўмита раиси томонидан қабул қилинади.

23.3. Футболчилар мақоми бўйича қўмита даъво ва низоларни, агар иш хусусияти уларни якка тартибда судья томонидан ҳал қилиш имконини бермаса, ушбу қўмитанинг камида уч аъзоси, шу жумладан, раис ёки унинг ўринbosари иштирокида ҳал қиласди. Шошилинч ҳолатларда ёки ҳеч қандай мураккаб амалий ёки ҳуқуқий масалалар кўтарилимаган ҳолатларда, шунингдек, З-иловага мувофиқ, халқаро кўламга эга рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ футболчиларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш юзасидан қарор қабул қилишда, қўмита раиси ёки унинг томонидан тайинланган қўмита аъзоси ҳисобланган шахс якка тартибда судья сифатида иш бўйича қарор чиқариши мумкин. Ишни кўриб чиқиш вақтида томонларнинг ҳар бири бир мартадан тингланади. Футболчилар мақоми бўйича қўмита томонидан якка тартибда қабул қилинган қарорлар устидан Апелляция қўмитасига, шунингдек, Спорт арбитраж суди (CAS)га шикоят аризаси берилиши мумкин.

24-модда. Низоларни ҳал қилиш палатаси

24.1. Низоларни ҳал қилиш палатаси 22-модданинг а, б, д ва е кичик бандларига мувофиқ барча даъво ва низоларни ҳал қиласди, ХТС топшириш бўйича даъволар бундан мустасно.

24.2. Низоларни ҳал қилиш палатаси даъво ва низоларни, агар иш хусусияти уларни якка тартибда судья томонидан ҳал қилиш имконини бермаса, ушбу қўмитанинг камида уч аъзоси, шу жумладан раис ёки унинг ўринbosари иштирокида ҳал қиласди. Палата аъзоси клуб учун бир нафар ва футболчилар учун ўз таркибидан бир нафар Палата ҳакамини тайинлайди. Палата ҳаками қўйидаги ҳолатларда қарор қабул қилиши мумкин:

а) даъво суммаси 100 000 000 (юз миллион) сўмдан ошмайдиган барча даъволар;

б) ўз моҳиятига кўра амалий ёки юридик жиҳатдан қийинчиликлар яратмайдиган ёки Низоларни ҳал қилиш палатаси кўрилаётган даъво бўйича аниқ ва барқарор ечимларга эга бўлган тайёргарлик учун компенсациялар ҳисоб-китоби билан боғлиқ барча даъволар;

с) ўз моҳиятига кўра амалий ёки юридик жиҳатдан қийинчиликлар яратмайдиган ёки Низоларни ҳал қилиш палатаси кўрилаётган даъво бўйича аниқ ва барқарор ечимларга эга бирдамлик бадали ҳисоб-китоби билан боғлиқ барча даъволар.

Палата ҳаками асосий масалаларга тегишли барча ишларни палатага ўтказиши шарт. Палата клублар ва футболчилар вакилларининг тенг сонидан

ташкил топади, Палата ҳаками томонидан ҳал қилиниши мүмкін бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Ишни кўриб чиқиш вақтида томонларнинг ҳар бири бир мартадан тингланади. Низоларни ҳал қилиш палатаси ёки Палата ҳаками томонидан қабул қилинган қарорлар устидан Апелляция қўмитасига ҳамда Спорт арбитраж судига (CAS) шикоят аризаси киритиш мүмкін.

25-модда. Тартибот масалалари бўйича йўриқномалар

25.1. Одатда якка тартиbdаги ҳакам ва Палата ҳаками асосланган илтимосномани олгандан сўнг 30 календарь куни ичида, Футболчилар мақоми бўйича қўмита ёки Низоларни ҳал қилиш палатаси эса 60 календарь кун ичида қарор қабул қилиши керак. Ишни кўриб чиқиша ФИФА томонидан назарда тутилган умумий қоидалар қўлланади.

25.2. Футболчилар мақоми бўйича қўмита, шу жумладан якка тартиbdаги ҳакам, Низоларни ҳал қилиш палатаси, Палата ҳаками томонидан тайёргарлик учун компенсация ва бирдамлик тўлови юзасидан ишни кўриб чиқиш миқдори ЎФАнинг тегишли қарори асосида белгиланади ва одатда мағлуб томон бу миқдорни тўлайди. Харажатлар тақсимланиши қарорда изоҳланади. Низоларни ҳал қилиш палатасида Палата ҳаками томонидан клублар ва футболчилар ўртасида шартнома барқарорлигини таъминлаш юзасидан низолар, шунингдек, халқаро миқёсдаги клуб ва футболчи ўртасида ишга жойлашиш юзасидан низолар бўйича ишларнинг кўриб чиқилиши бепул амалга оширилади.

25.3. Мазкур Регламент бузилганлиги учун интизомий ишларни кўриб чиқиш – агар Регламентда бошқа ҳолат қайд этилмаган бўлса, ФИФА Интизом кодексига мувофиқ бўлиши керак.

25.4. Агар бирор-бир иш интизомий масалаларни юзага келтираётганини тахмин қилиш учун асослар бўлса, Футболчилар мақоми бўйича қўмита, Низоларни ҳал қилиш палатаси, якка тартиbdаги ҳакам ёки Палата ҳаками (вазиятларга боғлиқ равишда) материалларни, ФИФА Интизом кодексига мувофиқ, интизом бўйича иш кўриб чиқилишини бошлаш илтимосномаси билан бирга Интизом қўмитасига тақдим этади.

25.5. Футболчилар мақоми бўйича қўмита, Низоларни ҳал қилиш палатаси, якка тартиbdаги ҳакам ёки Палата ҳаками (вазиятларга боғлиқ равишда), агар низоларни келтириб чиққан ҳодиса содир бўлган пайтдан эътиборан икки йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса, мазкур Регламент бўйича ҳеч қандай ишни кўриб чиқишга ҳақли эмас. Бундай чегаравий муддатни белгилаш тўғрисидаги масала тегишли мансабдор шахс томонидан ҳар бир ҳолат учун алоҳида кўриб чиқилади.

25.6. Футболчилар мақоми бўйича қўмита, Низоларни ҳал қилиш палатаси, якка тартиbdаги ҳакам ёки Палата ҳаками томонидан (вазиятларга

боғлиқ равишда), мазкур Регламентни барча тегишли шартномалар, қонунлар ва/ёки миллий миқёсда мавжуд жамоавий шартномалар ҳисобга олган ҳамда спортнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қўлланади.

25.7. Мазкур Регламент қўлланиши билан боғлиқ пайдо бўладиган низоларни ҳал қилишнинг батафсил тартиботи ФИФА умумий тартибот қоидаларида келтирилади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

26-модда. Вақтинчалик чоралар

26.1. Мазкур Регламент таҳрири ЎФА Ижроқўми томонидан тасдиқлангунига қадар 2021 йилнинг 1 январидан вақтинча кучга киради.

26.2. Мазкур Регламентга киритилган ўзгаришлар ЎФА Ижроқўми томонидан белгиланган кундан бошлаб расман кучга киради ҳамда Ижроқўм қарори билан вақтинчалик амалда бўлган давр учун ҳам тегишли бўлади.

26.3. Мазкур Регламентда кўрсатиб ўтилган клублар ва академия/мактаблар учун белгиланган машғулот компенсацияси ҳисоблашда ЎФА томонидан футбол академиялари/мактабларини аттестациядан ўtkазиш низоми амалиётга жорий этилмагунга қадар тўхтатиб турилади (2021 йилги ҳолат бундан мустасно).

27-модда. Регламентда назарда тутилмаган вазиятлар

Мазкур Регламентда назарда тутилмаган масалалар, шунингдек, форс-мажор вазиятлар ФИФА Ижроия қўмитаси томонидан кўриб чиқилади ва унинг қарори якуний ҳисобланади.

28-модда. Расмий тиллар

Мазкур Регламентнинг матнларини талқин қилишда ҳар қандай фарқ аниқланган ҳолатда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

Ўз навбатида Ўзбекистон ҳудудида ЎФА ҳужжатларни ўзбек ва рус тилларида юритади.

29-модда. Кучга кириш

ЎФА Ижроқўми ёки Ижроқўм бюроси томонидан 2020 йил 31 декабрда тасдиқланган ва 2021 йил 4 январь куни кучга кирган.

1-илова:

**АССОЦИАЦИЯЛАР ЖАМОАЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШИ УЧУН
ФУТБОЛЧИЛАРНИ ЖАМОА МАШГУЛОТЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТАРТИБИ**
1-боб. Принциплар

1.1. Клублар ўзларида рўйхатга олинган футболчиларни, улар тегишли мамлакат фуқароси сифатида мамлакат терма жамоалари сафида ўйнаш ҳуқуқига эга бўлгани учун тегишли Миллий Ассоциациянинг чақириғига мувофиқ, икки турли Ассоциация вакили ҳисобланган терма жамоалар ўртасидаги халқаро учрашувда иштирок этиши учун қўйиб юбориши лозим. Футболчи ва клуб ўртасида ушбу бандга зид бўлган исталган келишувлар тақиқланади.

1.2. Ушбу модданинг 1-бандидаги шартлар бўйича футболчиларни қўйиб юбориш санаси ФИФАнинг халқаро учрашувлар расмий календарида қайд этилган учрашувлар ва ФИФА Ижроия Қўмитасининг алоҳида қарорларига асосан футболчиларни қўйиб юборилиши шарт ҳисобланган бошқа учрашувлар учун мажбурийдир.

1.3. ФИФАнинг халқаро учрашувлар расмий календарида қайд этилмаган учрашувлар учун футболчиларни қўйиб юбориш мажбурий эмас.

1.4. Шунингдек, футболчилар учрашув олди тайёргарлик даври учун қўйидаги тартибда озод этилиши лозим:

а) ўртоқлик учрашувларига: 48 соат.

б) халқаро турнирларнинг саралаш учрашувлари учун:

тўрт кун (учрашув куни билан ҳисоблаганда). Агар учрашув футболчи рўйхатдан ўтказилган клуб Ассоциациясидан фарқланувчи Ассоциацияда ўтказилса, ушбу муддат беш кунга узайтирилади;

агар учрашувларнинг келишилган халқаро календарида икки сана (жума–сешанба) келтирилган бўлса, озод этиш даври барча ҳолатларда календарда кўрсатилган давр бошланишидан 5 кун аввал (жума куни билан ҳисоблаганда) қилиб белгиланади.

с) аввалидан ўртоқлик учрашувлари учун белгиланган, бироқ кейинчалик саралаш учрашувлари ва халқаро турнирлар ўйинларига ўзгарган кунлар учун: 48 соат.

д) Халқаро турнирнинг финал учрашувлари учун: тегишли мусобақанинг очилиш учрашувидан олдин 14 кун.

Футболчилар Ассоциация жамоасига учрашув бошланишидан камида 48 соат аввал қўшилиши лозим.

1.5. ФИФА Жаҳон чемпионати ёки “A” тоифасига мансуб терма жамоалар учун қитъа чемпионатининг финал босқичига автоматик тарзда ўтган Ассоциацияларда рўйхатга олинган футболчилар расмий саралаш учрашувлари учун режалаштирилган саналарда ўртоқлик учрашувларида

қатнашиши учун, шу кунларга режалаштирилган расмий учрашувларга қўлланиладиган директиваларга мувофиқ озод қилиниши зарур.

1.6. Клублар ва манфаатдор Ассоциациялар озод этилишнинг янада узайтирилган муддатлари ҳақида келишишлари мумкин.

1.7. Ушбу модда шартлари бўйича Миллий Ассоциациядан чақирув олган футболчилар ўzlари чақирилган учрашув якунланганидан кейин 24 соатдан кечикмай клублари билан тузилган шартнома шартларини бажариш учун қайтишлари лозим. Агар учрашув бошқа конфедерацияда (футболчи клуби рўйхатга олинган конфедерацияда эмас) ўтказиладиган бўлса, бу давр 48 соатгача узайтирилиши мумкин. Клублар футболчининг жўнаш ва қайтиш саналари ҳақида учрашувдан 10 кун аввал ёзма равишда хабардор қилиниши керак. Ассоциациялар футболчилар учрашувдан кейин ўз клубларига ўз вақтида қайтиб боришларига ишонч ҳосил қилишлари керак.

1.8. Агар футболчи ўз клубидаги мажбуриятларини бажариш учун ушбу моддада кўрсатилган муддатнинг энг охирги муҳлатигача қайтиб келмаса, Ассоциация футболчини кейинги йиғинга чақирганида озод қилиш муддатини қўйидаги давларгача қисқартириши мумкин:

- а) ўртоқлик учрашуви учун: 24 соатгача;
- б) саралаш учрашуви учун: 3 кунгача;
- с) халқаро турнирнинг финал босқичи учун: 10 кунгача.

1.9. Агар Ассоциация ушбу қоидаларни мунтазам равишда бузәётган бўлса, Футболчилар мақоми бўйича ФИФА қўмитаси ўз таркибиға киритилган, лекин қўйидагилар билан чекланмаган тегишли санкцияларни қўллаши мумкин:

- жарималар;
- футболчиларни озод қилиш муддатларини қисқартириш;
- кейинги учрашувгача футболчининг чақрилишини тақиқлаш.

2-боб. Молиявий қоидалар ва суғурта тартиби

2.1. Ушбу илованинг тегишли қоидаларига кўра, футболчиларни қўйиб юбораётган клублар бирон-бир компенсация учун ҳуқуқга эга бўлмайдилар.

2.2. Футболчини чақираётган Ассоциация футболчининг етиб келиши ва қайтиши билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши зарур.

2.3. Футболчи рўйхатдан ўтказилган клуб озод этишнинг бутун даври мобайнида унинг касалланиши ва баҳтсиз воқеага дуч келиши бўйича суғурталаниши учун жавобгар бўлади. Суғурта футболчи ўзи чақирилган халқаро учрашувларда олган барча жароҳатларига ҳам тааллуқли ҳисобланади.

2.4. Агар футбол учрашуvida қатнашаётган профессионал футболчи “A” терма жамоа сафига чақирилган даврда баҳтсиз ҳодиса туфайли

жароҳатланиб, ушбу жароҳат сабабли вақтинча ишга лаёқатсиз бўлиб қолса, шу футболчи рўйхатдан ўтган клуб ФИФА томонидан суғурталанади.

Бундай суғурта шартлари, шу жумладан, харажатларни қоплаш бўйича тартиботлар “Клубларни ҳимоя қилиш дастури” техник бюллетенида баён этилган.

3-боб. Футболчиларни чақириш тартиби

3.1. Умумий қоидага кўра, клубда рўйхатдан ўтказилган ҳар бир футболчи миллий мансублигига кўра ўз мамлакати терма жамоаларида иштирок этиш учун миллий Ассоциацияси чақирувига тасдиқловчи жавоб бериши лозим.

3.2. Футболчини чақиришни истаган Ассоциация уни режалаштирилган учрашув ҳақида камида 15 кун аввал ёзма хабардор қилиши керак. Футболчининг клуби ҳам худди шу вақтда ёзма равишда хабардор қилиниши лозим. Клуб кейинги олти кун мобайнида футболчини қўйиб юборишини тасдиқлаши керак.

3.3. Чет элда ўйнаётган футболчини терма жамоа учрашувига қўйиб юборилиши бўйича ФИФАдан ёрдам сўраётган Ассоциациялар бу ишни фақат қўйидаги қоидаларга риоя қилгандагина амалга оширишлари мумкин:

а) футболчи рўйхатдан ўтказилган Ассоциацияга аввалроқ мурожаат қилиниб, рад жавоби олинганда;

б) футболчи чақирилган учрашувдан камида беш кун аввал ФИФАга мурожаат жўнатилганда.

4-боб. Жароҳатланган футболчилар

Жароҳати ёки хасталиги туфайли Ассоциация чақирувини қабул қилиш имкониятига эга бўлмаган футболчилар, агар Ассоциация талаб қилса, ушбу Ассоциациясининг исталган шифокори томонидан тиббий кўриқдан ўтишлари керак. Агар футболчи хоҳласа, тиббий кўриқ у рўйхатдан ўтказилган Ассоциация ҳудудида ўтказилиши мумкин.

5-боб. Клубда иштирок этишнинг тақиқланиши

Ассоциация томонидан терма жамоаларнинг бирида иштирок этиш учун чақирилган футболчи, бунинг акси ўлароқ тегишли Ассоциация билан келишмаса, ушбу иловада баён этилган қоидаларга мувофиқ, озод этилган бутун давр мобайнида ўзи рўйхатдан ўтган клуб учун ўйнашига йўл қўйилмайди. Ундан ташқари, агар ушбу футболчи бирор сабабга кўра Ассоциация чақирувига жавоб беришни истамаган ёки рози бўлиб жавоб бера

олмаган бўлса, клуб учун ўйнашига қўйилган бу тақиқ 5 кунгача узайтирилиши мумкин.

6-боб. Интизомий чоралар

6.1. Ушбу илова билан белгиланган ҳар қандай қоиданинг бузилиши интизомий санкциялар қўлланишига олиб келиши мумкин.

6.2. Агар клуб, ушбу илованинг барча нормалариға қарамасдан, футболчини қўйиб юборишни рад этса ёки бу хақдаги илтимосга жавоб бермаётган бўлса, Футболчилар мақоми бўйича ФИФА Қўмитаси тасарруфида ушбу клуб бўлган Ассоциациядан футболчи иштирок этган учрашувлар ҳақида маълумот берилишини талаб қилиши мумкин. Клуб томонидан тўпланган барча очколар бекор қилиниши лозим. Кубок тизими бўйича ўтказилган барча учрашувлар ҳам, қандай ҳисобда якунлаганидан қатъи назар, рақиб жамоа томонидан ютилган, деб тан олиниши зарур.

6.3. Агар футболчи Ассоциация чақирганидан кейин ўз клуби билан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш учун қайтиб келиш муддатларини бир мартадан кўп кечиктирса, Футболчилар мақоми бўйича ФИФА Қўмитаси клубнинг талабига кўра футболчи ёки Ассоциацияга нисбатан интизомий чораларни қўллаши мумкин.

2-илова:

ФУҚАРОЛИГИ САБАБЛИ БИТТАДАН КЎП АССОЦИАЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ АССОЦИАЦИЯ ЖАМОАЛАРИДА ЎЙНАШ ТАРТИБИ

1-боб. Фуқаролиги сабабли биттадан кўп Ассоциацияда иштирок этиш ҳуқуқига эга футболчиларнинг Ассоциация жамоаларида ўйнаш имконияти

1.1. Тегишли фуқаролиги мавжуд бўлгани сабабли биттадан кўп Ассоциацияда иштирок этиш ҳуқуқига эга футболчи, фуқаролиги мавжудлигидан ташқари, қуийдаги шартларга жавоб берса, Халқаро учрашувларда ушбу Ассоциацияларнинг бири учун ўйнаши мумкин:

- а) тегишли Ассоциация худудида туғилган;
- б) унинг биологик отаси ёки биологик онаси тегишли Ассоциация худудида туғилган;
- с) унинг бобоси ёки бувиси тегишли Ассоциация худудида туғилган;
- д) у тегишли Ассоциация худудида узлуксиз 2 йил давомида яшаган.

1.2. Ушбу модданинг 1-бандинан қатъи назар, умумий фуқароликни даъво қилувчи Ассоциациялар ўзаро битим тузиб, унинг шартларига кўра, ушбу модданинг 1-банди d бандини тўлиқ бекор қиласди ёки янада узоқроқ муддат назарда тутилади. Бундай битимлар ФИФА билан келишилиб, маъқулланиши лозим.

З-илова:

ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ БИР АССОЦИАЦИЯДАН БОШҚАСИГА ЎТИШИНИ БОШҚАРУВЧИ МАЪМУРИЙ ТАРТИБОТ

1-боб. Принциплар

1.1. Бир Ассоциация тасарруфидан бўлган клубнинг исталган футболчиси, агар XTC собиқ Ассоциация томонидан ушбу илова шартларига мувофиқ бошқа Ассоциацияга берилмаган бўлса, бошқа Ассоциацияга тегишли клуб учун ўйнашига йўл қўйилмайди. Бу ҳолатда ФИФАга тақдим этиладиган маҳсус шакллар ёки шу каби таърифланишга эга бошқа шакллардан фойдаланиш зарур.

1.2. Агар Профессионал футболчилар ҳақида сўз юритилса, XTC берувчи Ассоциация футболчи паспортининг нусхасини илова қилиши керак.

2-боб. Профессионал футболчиларга XTCни бериш

2.1. Профессионал футболчини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги барча аризалар янги клуб томонидан янги Ассоциацияга ушбу Ассоциация белгилаган рўйхатдан ўтказиш даври ичида тақдим этилиши керак. Барча аризалар янги клуб ва профессионал футболчи ўртасида тузилган шартноманинг нусхаси билан тақдим этилиши лозим. XTC собиқ Ассоциация томонидан берилиб, янги Ассоциация томонидан қабул қилинмагунига қадар, профессионал футболчи янги клуби учун расмий учрашувларда ўйнаш ҳуқуқига эга бўлмайди.

2.2. Аризани қабул қилган янги Ассоциация зудлик билан собиқ Ассоциациядан профессионал футболчига XTC берилишини сўраши (“ITC request” жўнатиши) лозим. XTC учун сўров юборишнинг энг кеч муддати – янги Ассоциация томонидан белгиланган рўйхатдан ўтказиш даврининг энг сўнгги куни. Сўров жўнатмасдан туриб XTC олган Ассоциация профессионал футболчини ўз клубларининг бирида рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

2.3. XTC учун сўров олган собиқ Ассоциация зудлик билан собиқ клуб ва профессионал футболчига мурожаат қилиб, шартнома муддати тугаганини, шартноманинг муддатидан аввал бекор қилиниши ўзаро келишув билан амалга оширилгани ҳамда шартнома юзасидан зиддиятлар йўқ эканини тасдиқлатиб олиши лозим.

2.4. Собиқ Ассоциация XTC учун сўров олганидан кейин етти кун давомида, шунингдек:

- а) XTCни янги Ассоциацияга бериши ёки
- б) Профессионал футболчи ва собиқ клуб ўртасида тузилган шартнома якунланмагани ёки уни муддатидан аввал бекор қилиш юзасидан ўзаро

келишилмагани сабабли ХТС берилиши мүмкін әмаслиги ҳақида янги Ассоциацияни хабардор қилиши зарур.

2.5. Агар янги Ассоциация ХТСни бериш юзасидан берган сўровига шу сўров тақдим этилган кундан бошлаб 30 календарь кун давомида жавоб олмаса, зудлик билан профессионал футболчини янги клубда вақтинча рўйхатдан ўтказиши керак (“Вақтинча рўйхатдан ўтказиш”). Вақтинча рўйхатдан ўтказиш ХТС юзасидан сўров берилганидан 1 йил ўтиб доимийга ўзгартирилиши лозим. Агар собиқ Ассоциация ушбу бир йиллик муддат ичидаги ХТС бериш юзасидан берилган сўровга жавоб бермагани бўйича асосли сабаб тақдим этса, Футболчилар мақоми бўйича Қўмита Вактинчалик рўйхатдан ўтказишни бекор қилиши мүмкін.

2.6. Агар профессионал футболчи ва сабиқ клуб ўртасида тузилган шартнома билан боғлиқ келишмовчиликлар юзага келган бўлса, сабиқ Ассоциация ХТСни бермаслиги керак. Бундай ҳолатда профессионал футболчи сабиқ ва/ёки янги клуб 22-моддага мувофиқ ФИФАга ариза юбориш ҳуқуқига эга бўлади. Кейинчалик ФИФА ХТСни бериш ёки 60 календарь куни давомида спорт санкцияларини қўллаш ҳақида қарор қабул қиласди. Барча ҳолатларда спорт санкциялари ҳақидаги қарор ХТС берилишига қадар қабул қилиниши лозим. ХТСнинг берилиши шартномага риоя қилмаганлиги учун компенсация тўланишига таъсир қилмайди. ФИФА алоҳида ҳолатларда вақтинчалик чоралар ҳақидаги қарорни қабул қилиши мүмкін.

2.7. Янги Ассоциация факс орқали жўнатилган ХТС асосида жорий мавсум якунига қадар ўйнаш учун вактинчалик имконият тақдим этиши мүмкін. Агар ХТСнинг асл нусхаси кўрсатилган муддат тугагунига қадар олинмаса, футболчи ушбу клуб сафида ўйнаш имконияти тўғрисидаги масала футболчи фойдасига тўлиқ ҳал қилинган, деб ҳисоблаш мүмкін.

2.8. Ассоциациялар футболчи норасмий учрашувларда иштирок этиши учун имконият яратилиши мақсадида ХТС берилишини талаб қилишга ҳақли әмаслар.

2.9. Юқорида баён этилган қоидалар ва тартиботлар янги клубга ўтиш баробарида ҳаваскорлик мақомини қабул қилувчи профессионал футболчиларга ҳам тааллуқлидир.

3-боб. Ҳаваскор футболчиларга ХТСни бериш

3.1. Ҳаваскор футболчини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги барча аризалар янги клуб томонидан янги Ассоциацияга ушбу Ассоциация белгилаган рўйхатдан ўтказиш даври ичидаги тақдим этилиши керак.

3.2. Аризани қабул қилган янги Ассоциация зудлик билан сабиқ Ассоциациядан ушбу футболчига ХТС берилишини сўраши (ХТСга сўров жўнатиши) лозим.

3.3. Собиқ Ассоциация XTC учун сўров олган кундан бошлаб етти кун давомида янги Ассоциацияга XTCни бериши керак.

3.4. Агар янги Ассоциация XTCни бериш юзасидан берган сўровига шу сўров тақдим этилган кундан бошлаб 30 календарь кун давомида жавоб олмаса, зудлик билан ҳаваскор футболчини янги клубда вақтинча рўйхатдан ўтказиши керак (“Вақтинча рўйхатдан ўтказиш”). Вақтинча рўйхатдан ўтказиш XTC юзасидан сўров берилганидан 1 йил ўтиб доимийга ўзгартирилиши лозим. Агар собиқ Ассоциация ушбу бир йил муддат ичида XTC бериш юзасидан берилган сўровга жавоб бермагани бўйича асосли сабаб тақдим этса, Футболчилар мақоми бўйича қўмита вақтинчалик рўйхатдан ўтказишни бекор қилиши мумкин.

3.5. Юқорида баён этилган қоидалар ва тартиботлар янги клубга ўтиш баробарида профессионал футболчи мақомини қабул қилувчи ҳаваскор футболчиларга ҳам тааллуқлидир.

4-боб. Футболчилар ижараси

4.1. Юқорида санаб ўтилган қоидалар бир клубдан (бир Ассоциацияга тегишли бўлган) бошқа клубга (бошқа Ассоциацияга тегишли бўлган) ижара асосида ўтаётган профессионал футболчиларга ҳам тааллуқлидир.

4.2. Ижара шартномасининг шартлари XTCга бериладиган сўровга илова қилиниши лозим.

4.3. Ижара муддати якунланганидан сўнг XTC футболчини ижарага берган клубнинг Ассоциацияга талабга биноан қайтарилиши зарур.

4-илова:

МАШҒУЛОТ КОМПЕНСАЦИЯСИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

1-боб. Мақсад

1.1. Футболчини ўқитиши ва унинг машғулотларда қатнашиши, одатда 12 дан 23 ёшгача бўлган даврда амалга оширилади. Машғулот компенсацияси, умумий қоидага кўра, 23 ёшгача тўланиши керак. Бунда футболчи 21 ёшга тўлгунига қадар машғулот давом этиргани ҳамда 21 ёшгача машғулотлар тўхтатилгани борасида яққол далиллар бўлмаслиги инобатга олинади. Агар машғулотлар футболчи 21 ёшга тўлгунича тўхтатилган бўлса, компенсация футболчи 23 ёшга тўлган мавсумнинг охиригача тўланади. Лекин компенсация суммасини ҳисоблашда футболчининг 12 ёшдан бошлаб машғулотларни қайси вақтгача тўхтатганлиги аниқланиши ва шу давр эътиборга олиниши керак.

1.2. Машғулот компенсациясини тўлаш мажбурияти шартнома шартлари бузилгани учун тўланадиган бошқа компенсациялар бўйича мажбуриятларга таъсир қилмайди.

2-боб. Машғулот компенсацияларини тұлаш

2.1. Футболчини тайёрлаш учун компенсация мазкур регламентда назарда тутилган ҳолатлар бүйича футбол клубига/академияга/мектебге қуидаги ҳолатларда тұлаб берилади:

- футболчи 23 ёшга тұлған мавсумнинг охирига қадар;
- профессионал футбол клуби билан үзининг ilk меңнат шартномасини имзолаганда;
- профессионал футболчининг бир футбол клубидан бошқа футбол клубига үтган вақтида (трансфер);
- агар футболчи профессионал футболчи сифатида ilk марта рүйхатдан үтказылса;
- агар футболчи бир ассоциацияси жамоасидан шу ассоциациясидеги бошқа жамоага үтишда иккінчи ва ундан кейинги профессионал шартномасини имзолоса, у ҳолда янги клуб футболчининг собиқ клубига фақатгина шу клуб сағидаги машғулотлари учунгина компенсация тұлаб беради;
- агар профессионал футболчи бир Ассоциация клубидан бошқа Ассоциация клубига биринчи бор үтадын болса (шартноманинг амал қилиш муддати давомида ёки шартноманинг амал қилиш муддати яқунланғанида).

2.2. Мазкур Регламентта асосан машғулот компенсация пули олиш ҳуқуқига фақатгина футболчини тарбиялаш жараёнида иштирок этган ҳамда футболчи паспортига кирилтілген футбол клуби/академия/мектебгина әгадир

2.3. Машғулот компенсациялари қуидаги ҳолатларда тұланмайды:

- a) агар собиқ клуб футболчи билан түзилған шартноманы қонуний асосларсиз бекор қылса (аввалғы клуб ҳуқуқларига зарар етказмасдан) ёки
- b) агар футболчи ҳаваскор клубига үтса, ёки
- c) агар бошқа клубга үтиш натижасида профессионал футболчи яна ҳаваскор мақомини олса.

2.4. Профессионал ёки ярим профессионал, шунингдек, аёллар профессионал клуби билан ilk меңнат шартномаси имзолаётгандан 23 ёшга тұлмаган ва бир нечта клубда таҳсил олған футболчи учун унинг янги клуби мазкур футболчини 12 ёшдан 21 ёшгача тарбиялаган клуб/академия/мектебларга машғулот компенсацияси тұлаш мажбуриятини олади. Бұнда машғулот компенсацияси миқдори шу модданинг 2-бандига мувофиқ белгиланади ва футболчи үтаётгандеги тегишли профессионал футбол клубнинг ҳамда компенсацияга даъвогарлық қилаётгандеги клуб/академия/мектебнинг тоифасига қараб, мазкур Регламентнинг 4-иловасида белгиланған коэффициентта күпайтирилади.

2.5. Профессионал ҳисобланган футбол клуби лицензиялаш талабларини бажара олмай қолган тақдирда ҳам унинг меҳнат шартномалари амалда бўлган футболчилари учун шу футболчиларнинг собиқ клубларига тўлаб берилиши керак бўлган компенсация мажбурияти ўзида қолади. Бундай ҳолатда компенсация тўлаб бериш муддати футболчи рўйхатдан ўтказилган даврдан бошлаб эмас, балки ярим профессионал клублар ўртасидаги мусобақа иштирокчилари тасдиқланган кундан эътиборан ўлчанади ҳамда ҳисоблаш 1 коэффициент билан амалга оширилади.

2.6. Профессионал футбол клуби компенсация миқдорининг 50 фоизини тегишли клуб/академия/мактабга, қолган 50 фоиз сумма эса шу модданинг 12-бандига биноан тегишли футболчиларни тарбиялаш ва ўқитишда иштирок этган мураббийлар ўртасида тақсимланади.

2.7. Тегишли тўлов машғулот компенсацияси бўйича биринчи клуб томонидан 30 календарь куни ичида футболчи профессионал сифатида рўйхатдан ўтказилгунига қадар амалга оширилади.

2.8. Машғулот компенсациясининг базавий ҳисоблаш миқдори футболчи клубда рўйхатдан ўтган йиллар сонига қараб (агар бир йилдан кам бўлса, пропорционал равишда ҳисобланади), ҳар бир таҳсил йили учун қўйидаги миқдорда ҳисобланади:

- а) 12-15 ёшга тўлган календарь йил учун коэффицентсиз 1 000 000 сўмдан;
- б) 16 ёшдан 21 ёшга тўлган календарь йил учун: 3 000 000 сўм.

*Ҳар бир йил учун компенсация миқдори академия/мактабда тарбияланилган чиқимлар ҳисобидан ушлаб қолинади.

2.9. Агар футболчи билан меҳнат шартномаси имзолаган клуб ўша ўйинчини тарбиялашда иштирок этган клуб таъсисчиси (таъсисчиларидан бири) бўлса ёки академия/мактаб мазкур профессионал футбол клуби томонидан шартнома асосида молиялаштирилса, у ҳолда клуб ва академия/мактаб келишувида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, юқорида қайд этилган клуб машғулот компенсацияси тўлашга мажбур бўлмайди.

2.10. Биринчи клуб/академия/мактаб ва бошқа клуб томонидан ўз клуби/академия/мактаби сифатида кўрсатилган клуб ЎФА ва ЎЗПФЛ талаблари асосида лицензиялаш жараёнидан ўта олмаса ёки ЎФА томонидан футбол академиялари/мактабларини аттестациядан ўтказиш тартибини бажара олмаса-да, мазкур Регламентнинг 21-моддаси 1-2-бандларига кўра компенсация олишга ҳақли бўлади ва бошқа миқдордаги компенсацияга келишиб олиши мумкин.

2.11. Футболчини рўйхатдан ўтказувчи клуб машғулот компенсациясини тўлаш бўйича шартнома ҳамда шу тўловнинг амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилиш орқалигина футболчини рўйхатдан ўтказа олади. Бошқа ҳолатларда футболчини тайёрлаган

клуб/академия/мактаб компенсация тўлови бўйича компенсацияни тўлаб бериш мажбуриятини олган профессионал футболга мустақил равища мурожаат қилиши керак.

2.12. Компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлган клуб/академия/мактаб футболчи рўйхатдан ўтказилганидан кейинги 12 ой давомида компенсация олиш истаги бўйича мурожаат қилмаган, футболчи ва клуб/академия/мактаб ўртасидаги боғлиқликни аниқлашнинг имкони бўлмаган, футболчи паспортида акс этган клуб/академия/мактаб ўз фаолиятини тугатган ёки клуб/академия/мактаб бошқа сабабларга кўра тўловни қабул қила олмайдиган ҳолатда бўлса – машғулот компенсацияси профессионал футбол клуб тарафидан ЎФА ҳисоб-рақамига болалар-ўсмиirlар футболини ривожлантириш мақсадида ўтказиб берилади.

2.13. Футболчини 12 ёшидан бошлаб (12 ёшга тўлган календарь йил) 21 ёшгача (21 ёшга тўлган календар йил) тарбиялашда иштирок этган клуб/академия/мактабнинг ҳар бир мураббийи мазкур футболчи учун тўланадиган компенсациянинг умумий миқдоридан моддий ёрдам сифатида бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

2.14. ЎзПФЛ ҳар йили 1 апрель санасига қадар ўз расмий сайтида илк профессионал шартномасини имзолагани ҳолда ташкилот рўйхатидан ўтган футболчилар рўйхатини тақдим этади.

2.15. Ҳар йил 31 ноябрга қадар компенсация олиш учун даъвогар мураббийлар ЎзПФЛнинг футболчиларни рўйхатдан ўтказувчи бўлимiga белгиланган шаклдаги ариза билан мурожаат қилиши керак. Аризага қўшимча равища мураббийнинг футболчини тайёрлаган йилларини асослаб берувчи ҳужжат тақдим этилиши керак. Ҳужжатлар рўйхати ва шаклини ЎзПФЛ ўз расмий саҳифасида эълон қиласи. Мураббийларнинг 30 ноября қадар жўнатилмаган аризалари кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

2.16. ЎзПФЛнинг футболчиларни рўйхатдан ўтказувчи бўлими лозим ҳолатларда клуб/академия/мактабдан қўшимча ҳужжатларни сўрашга ҳақли.

2.17. ЎзПФЛнинг футболчиларни рўйхатдан ўтказувчи бўлими моддий ёрдам олиш истагида бўлган мураббийлар аризаларини келаси йилнинг 1 мартаға қадар ўрганиб чиқади.

2.18. ЎзПФЛнинг футболчиларни рўйхатдан ўтказувчи бўлими ушбу модда ва унинг 1-банди асосида мураббий фойдасига компенсация тўлаб бериш ёки тўлаб бермаслик борасида қарор қабул қиласи. ЎзПФЛнинг футболчиларни рўйхатдан ўтказувчи бўлими томонидан белгиланган компенсацияни олган клуб мураббийга тегишли суммани тўлаб беради.

2.19. Асослантирилган истисно ҳолатлардагина ЎзПФЛнинг футболчиларни рўйхатдан ўтказувчи бўлими мураббий томонидан берилган аризани дедлайндан кейин ҳам кўриб чиқиши мумкин. Мазкур ҳолатда ЎзПФЛнинг футболчиларни рўйхатдан ўтказувчи бўлимига мазкур мураббий

фаолият олиб бораётган клуб/академия/мактабдан футболчининг тайёргарлик даври ҳақида хат тақдим қилиниши лозим.

2.20. Мазкур Регламентнинг 20-моддаси 2-бандида ва шу бобнинг 12-бандида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўйича тегишли йилнинг 1 декабрига қадар олинмаган маблағлар ЎФА ҳисобига болалар-ўсмирлар футболи мураббийларини қўллаб-қувватлаш грандлари учун ўтказиб берилади.

2.21. ЎзПФЛнинг футболчиларни рўйхатдан ўтказувчи бўлими томонидан чиқарилган қарорга нисбатан арзнома мураббий томонидан Низоларни ҳал қилиш палатасига қарор қабул қилинган кундан бошлаб 7 кун ичida киритилиши мумкин.

2.22. Профессионал клуб ва футболчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ички меъёрий ҳужжатларнинг қўпол тарзда бузилиши орқали бекор қилинса ва бу ҳолат Палата томонидан узрли сабаб сифатида қайд этилса, мазкур бобнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган машғулот компенсацияси тўлаб берилмайди.

2.23. Профессионал футбол клуб ички келишув асосида футболчи учун тўланадиган машғулот компенсациясидан тўлиқ ёки қисман воз кечиши мумкин.

3-боб. Машғулот компенсацияларини тўлаш бўйича жавобгарлик

3.1. Футболчини професионал сифатида илк бор рўйхатдан ўтказган клуб рўйхатдан ўтказганидан кейин 30 календарь куни мобайнида футболчини аввалроқ рўйхатдан ўтказган ҳар бир клуб академия/мактабга (футболчи паспортида карьера тарихининг таърифланишига мувофиқ) машғулот компенсациясини тўлаши керак. Бу футболчи 12 ёшга тўлган мавсумдан бошлаб ҳисобланадиган машғулотлар ва уни тайёрлаш учун компенсация ҳисобланади. Тўлов суммаси prorata асосида, футболчи ҳар бир клубдаги машғулотларда қатнашган даврга мос равишда ҳисобланади. Профессионал футболчи бошқа клубларга ўтадиган бўлса, компенсация фақат собиқ клубига, ушбу клуб таркибида қатнашган машғулотлари учун тўланади.

3.2. Ҳар бир ҳолатда ҳам машғулот компенсациялари тўланишининг энг кеч муддати футболчи янги Ассоциациядан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 30 календарь кун ҳисобланади.

3.3. Агар Профессионал футболчи ва у машғулотларда қатнашган клублар ўртасида алоқа ўрнатишнинг имкони бўлмаса ёки футболчи професионал сифатида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 18 ой давомида ушбу клублар ўзлари ҳақида хабар бермасалар, машғулот компенсацияси професионал машғулотларда қатнашган мамлакат (ёки мамлакатлар) Ассоциацияси (Ассоциациялари)га тўланади. Ушбу компенсация тегишли миллий Ассоциациянинг ўсмирлар футболини ривожлантириш дастурига киритилади.

4-боб. Машғулот чиқимлари

4.1. Машғулот ва таълим билан боғлиқ чиқимларни қоплаш учун зарур бўлган компенсация миқдорини ҳисоблаб чиқиш учун Ассоциациялар ўз клубларини, футболчи тайёрлаш учун ҳар бир клуб томонидан инвестициялар миқдорига мувофиқ равишда, кўпи билан 4 тоифага ажратиши керак. Ҳар бир тоифа учун машғулот чиқимлари белгиланиб, футболчи бир йил давомида машғулотларда қатнашиши учун талаб этиладиган сумма билан мувофиқлаштирилади ва битта профессионал футболчини тайёрлаш учун машғулотларда қатнашадиган футболчилар сонининг коэффиценти ҳисобланган “футболчи омили”нинг ўртача кўрсаткичига кўпайтирилади.

4.2. Конфедерация томонидан ҳар бир тоифа клублари учун белгиланган машғулот чиқимлари ҳамда ҳар бир Ассоциация учун тоифалар бўйича клубларнинг тақсимланиши ФИФА сайтида (www.FIFA.com) чоп этилади. Ҳар йилнинг якунига кўра уларга тегишли ўзгартишлар киртиб борилади.

5-боб. Машғулот компенсациясини ҳисоблаш

5.1. Собиқ клубга тўланиши керак бўлган машғулот компенсациясини ҳисоблашдаги умумий қоида – агар футболчи янги клубда машғулотларда қатнашган бўлса, ушбу клубнинг чиқимлари ҳам инобатга олиниши лозим.

5.2. Мос равишида, футболчи профессионал сифатида илк бор рўйхатдан ўтказилаётганда тўланиши лозим бўлган машғулот компенсациясининг суммасини ҳисоблаш футболчи 12 ёшга тўлган мавсумдан бошлаб 21 ёшга тўлган мавсумгacha давр оралиғида машғулотларда қатнашган йилларга кўпайтирилган машғулот чиқимларини инобатга олган ҳолда бажарилади. Кейинчалик, футболчи бир клубдан бошқа клубга ўтишларида машғулот компенсацияси футболчи собиқ клубида машғулотларда қатнашган йиллар сонига кўпайтирилган янги клубнинг машғулот чиқимлари асосида ҳисобланади.

5.3. Жуда ёш футболчилар учун ҳаддан ташқари юқори машғулот компенсацияси белгиланишини олдини олиш учун 12 дан 15 ёшгача вақт оралиғидаги мавсумлар (яъни жами тўрт мавсум) учун машғулотлар ва таълим билан боғлиқ чиқимлар 6-илованинг За-бандида кўрсатилганидек ҳисобланади.

5.4. Баҳсли вазиятларни ҳал қилиш бўйича Палата машғулот компенсациясининг суммаси бўйича низоларни кўриб чиқиши ва ушбу суммани, агар сумма кўрилаётган масала бўйича яққол мувофиқ бўлмаса, оқилона чегараларда тартибга солиши мумкин.

5-илова:

БИРДАМЛИК МЕХАНИЗМИ ТЎЛОВИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

1-боб. Бирдамлик товони (контрибуция)

Агар профессионал футболчи шартнома амал қилаётган даврда бир клубдан/академиядан/мактабдан бошқа клубга ўтаётган бўлса, собиқ клубга тўланган барча компенсацияларнинг (машғулот компенсациялари бундан мустасно) 5% янги клуб томонидан футболчини тайёрлашда иштирок этган клублар ўртасида бирдамлик контрибуцияси сифатида тақсимланади. Бирдамлик контрибуцияси футболчи 12 дан 23 ёшгача бўлган давр мобайнида ушбу клуб сафида машғулотларда қатнашган йиллар (агар бир йилдан кам бўлса, prorata асосида ҳисобланган) сонини акс эттиради:

- ёши 12 га тўлган мавсум: 5% (яъни компенсациянинг умумий суммасидан 0,25%)
- ёши 13 га тўлган мавсум: 5% (яъни компенсациянинг умумий суммасидан 0,25%)
- ёши 14 га тўлган мавсум: 5% (яъни компенсациянинг умумий суммасидан 0,25%)
- ёши 15 га тўлган мавсум: 5% (яъни компенсациянинг умумий суммасидан 0,25%)
- ёши 16 га тўлган мавсум: 10% (яъни компенсациянинг умумий суммасидан 0,5%)
- ёши 17 га тўлган мавсум: 10% (яъни компенсациянинг умумий суммасидан 0,5%)
- ёши 18 га тўлган мавсум: 10% (яъни компенсациянинг умумий суммасидан 0,5%)
- ёши 19 га тўлган мавсум: 10% (яъни компенсациянинг умумий суммасидан 0,5%)
- ёши 20 га тўлган мавсум: 10% (яъни компенсациянинг умумий суммасидан 0,5%)
- ёши 21 га тўлган мавсум: 10% (яъни компенсациянинг умумий суммасидан 0,5%)
- ёши 22 га тўлган мавсум: 10% (яъни компенсациянинг умумий суммасидан 0,5%)
- ёши 23 га тўлган мавсум: 10% (яъни компенсациянинг умумий суммасидан 0,5%).

2-боб. Тўлов тартиботи

2.1. Янги клуб бирдамлик контрибуциясини машғулот клублари академия/мактабларга футболчи рўйхатдан ўтказилганидан сўнг 30 календарь

кунидан кечиктирмай, қўшимча тўловлар бажариладиган бўлса, ушбу тўловлар санасидан кейин 30 календарь кун давомида тўлаши лозим.

2.2. Янги клуб контрибуция суммасини ҳисоблаш ва уни футболчи паспортидаги карьера тарихига мувофиқ тарзда тақсимланиши учун жавобгар ҳисобланади. Зарурат туғилганда, футболчи бу мажбуриятлар бажарилишида янги клубига кўмаклашиши керак.

2.3. Агар профессионал футболчи ва у машғулотларда қатнашган клублар ўртасидаги келишув бошқа клубга ўтганидан кейин 18 ой давомида амалга оширилмаса, бирдамлик контрибуцияси профессионал футболчи машғулотларда қатнашган мамлакат (ёки мамлакатлар) Ассоциацияси (Ассоциациялари)га ўтказиб берилади. Ушбу сумма тегишли миллий Ассоциацияларнинг ўсмиrlар футболини ривожлантириш дастурига киритилади.

2.4. Футболчи билан биринчи шартнома имзолаган клуб бирдамлик тўловини қўйидаги тартибда амалга оширади:

а) агарда футболчини тарбиялашда иштирок этган ва футболчи паспортида акс этган клуб/академия/мактаб бюджет ташкилоти ҳисобланса, бирдамлик тўловидан келган барча маблағ шу ташкилот инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилади;

б) агарда футболчини тарбиялашда иштирок этган ва футболчи паспортида акс этган клуб/академия/мактаб бюджет ташкилоти бўлмаса, бирдамлик тўловидан келган маблағ қўйидагича йўналтирилади:

- маблағнинг 50 фоизи шу ташкилот инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилади;
- маблағнинг қолган 50 фоизи шу ташкилотнинг футболчини тарбиялашда иштирок этган мураббийлари ўртасида тақсимланади.

2.5. Футболчини 12 ёшдан 23 ёшгача тарбиялашда иштирок этган ҳар бир клуб шу футболчи учун бирдамлик тўловини олишга ҳақли.

2.6. Ҳар бир клуб/академия/мактаб ўз футболчиси профессионал клуб қайдномасига кирган вақтдан бошлаб 4 ой ичida ЎзПФЛнинг футболчиларни рўйхатдан ўтказувчи органига ўрнатилган тартибдаги ариза бериб, бирдамлик тўловининг бир қисмини олишга ҳақли. ЎзПФЛнинг футболчиларни рўйхатдан ўтказувчи органи мазкур ҳолат бўйича футболчини тайёрлаган клуб/академия/мактаб ва бошқа тегишли шахслардан лозим кўрилган ҳужжатларни сўрашга ҳақли.

2.7. ЎзПФЛнинг футболчиларни рўйхатдан ўтказувчи органи бирдамлик тўлови бўйича клублар аризасини 31 декабрга қадар кўриб чиқади. Белгиланган вақтдан кечикиб тақдим этилган аризалар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

2.8. ЎзПФЛнинг футболчиларни рўйхатдан ўтказувчи органи бирдамлик тўлови бўйича мураббийлар аризасини 31 декабрга қадар кўриб чиқади.

Белгиланган вақтдан кечикиб тақдим этилган аризалар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

2.9. Мазкур бобнинг 5 ва 8-бандларида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўйича тўлаб берилмаган маблағ (уларнинг тўлиқ ёки бир қисми) болалар-ўсмирлар футболини ривожлантириш мақсадида ЎФА ҳисоб-рақамига йўналтирилади.

2.10. Мазкур боб тўловлари бўйича ЎзПФЛнинг футболчиларни рўйхатдан ўтказувчи органи томонидан чиқарилган қарорларга нисбатан арзномалар шу қарор клуб ёки мураббий томонидан қабул қилинганидан кейинги 7 кун ичida низоларни ҳал қилиш Палатасига оширилиши мумкин.

2.11. ФИФА Интизом қўмитаси ушбу иловада баён этилган қоидаларга риоя қилинмаган ҳолларда клублар ва футболчиларга нисбатан интизомий чоралар қўллаш ҳуқуқига эга.

6-илова:

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ КЛУБЛАРИ УЧУН “ФУТБОЛЧИЛАР МАҚОМИ ВА ТРАНСФЕРИ БЎЙИЧА РЕГЛАМЕНТ”НИНГ АЛОҲИДА ҚОИДАЛАРИ

1-боб. Рўйхатдан ўтказиш даври

1.1. Рўйхатдан ўтказиш (трансфер) даврлари:

- а) рўйхатдан ўтказишнинг биринчи даври (қиши) – декабрь ойининг иккинчи ярмидан март ойининг биринчи ўн кунлигигача;
- б) рўйхатдан ўтказишнинг иккинчи даври (ёзги) – июль ойи давомида;
- с) рўйхатдан ўтказиш даврларининг аниқ муддатлари ЎзПФЛ томонидан белгиланади ва эълон қилинади.

1.2. Ҳаваскор футболчи исталган рўйхатга ўтказиш даврида унинг ҳаваскор клуб билан келишуви муддати қандай бўлишидан қатъи назар, бошқа профессионал клубга ўтиши мумкин.

1.3. Клублар ўз структурасидаги академияси/мактаби тарбияланувчисини рўйхатдан ўтказиш давридан бошқа исталган вақтда ҳам рўйхатдан ўтказишга ҳақли.

1.4. Легионер мақомида бўлган ўзбекистонлик футболчи тўп суроётган клуб банкрот деб эълон қилинса ёки бошқа сабаб билан клуб фаолиятини тутатгани учун футболчи эркин агент мақомини олса, мазкур футболчини рўйхатдан ўтказиш давридан бошқа даврда ҳам рўйхатдан ўтказиш мумкин.

2-боб. Футбол клубларининг тоифалари

2.1. Футбол клублари уч тоифага ажратилади:

- профессионал футбол клублари;
- ярим профессионал футбол клублари;
- ҳаваскор футбол клублари.

2.2. Эндилиқда:

- Биринчи тоифа: ЎФА ва ЎзПФЛ лицензиялаш талабларидан ўтган футбол клублари;
- Иккинчи тоифа: ЎзПФЛ мусобақаларида қатнашувчи, аммо ЎФА ва ЎзПФЛ лицензиялаш талабларидан ўта олмаган;
- Учинчи тоифа: ҳаваскор футбол клублари.

2.3. Футболчи исталган тоифадаги футбол клубидан ўтаётганида машғулот компенсацияси қуйидаги коэффициент бўйича ҳисобланади:

- биринчи тоифадаги клубга 2 коэффициент қўлланилади (агар футболчининг биринчи клуби ЎФА ва ЎзПФЛ лицензиялаш талабларини бажармаган бўлса, унга 1 коэффициент қўлланилади; агар футболчининг биринчи клуби ҳаваскор клуб бўлса, унга машғулот компенсацияси тўланмайди);
- иккинчи тоифадаги клубга 1 коэффициент қўлланилади (агар футболчининг биринчи клуби ҳаваскор клуб бўлса, унга машғулот компенсацияси тўланмайди);
- учинчи тоифадаги ҳаваскор клубга машғулот компенсацияси тўланмайди.

Аёллар ўртасидаги мусобақаларда иштирок этувчи футболчига машғулот компенсациясини ҳисоблашда барча ҳолатларда 0,25 коэффициент қўлланилади.

Машғулот компенсация коэффициенти қуйидаги жадвал асосида тартибга солинади:

Клуб номи	1-тоифа	2-тоифа	3-тоифа
	Профессионал ФК	Ярим профес. ФК	Ҳаваскор ФК
1 Профессионал ФК	2	1	0
2 Ярим профес. ФК	1	1	0
3 Ҳаваскор ФК	0	0	0



Жадвалга изоҳ: 1, 2, 3-қаторларда футболчи кетаётган клуб тоифаси кўрсатилган. 1, 2, 3-устунларда футболчи ўтаётган клуб тоифаси кўрсатилган.

2.4. 8 000 000 сўм – бир йиллик машғулот компенсация ҳажми.

2.5. Футболчи учун машғулот компенсациясининг бир ойлик миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори кўринишидан олинади.

3-боб. Футбол академиялари/мактабларининг тоифалари

3.1. Футбол академиялари/мактабларининг мақоми ва уларга қўлланиладиган коэффициентлар:

- 3 юлдузли футбол академияси (4 коэффициент);
- 2 юлдузли футбол академияси (3 коэффициент);
- 1 юлдузли футбол академияси (2 коэффициент);
- футбол ёки спорт мактаби (1 коэффициент).

3.2. Футбол академияси/мактаби мақоми ЎФА томонидан ўтказилган аттестация жараёни хулосасига кўра тақдим этилади. Бунда академия/мактаб учун қўлланиладиган меъёрлар ЎФА тарафидан тасдиқланган футбол академия/мактабларини аттестациядан ўтказиш бўйича низомда кўрсатилган.

3.3. Футбол академия/мактаблари тоифалари бўйича компенсация миқдорини ҳисоблашда қўйидаги коэффициент қўлланилади:

Академия/мактаб тоифаси	1-тоифа ФК	2-тоифа ФК	3-тоифа ФК
3 юлдузли академия	4	3	0
2 юлдузли академия	3	2	0
1 юлдузли академия	2	1	0
Футбол/спорт мактаб	0	0	0



Жадвалга изоҳ: 2, 3, 4-қаторларда футболчи кетаётган академия/мактаб тоифаси кўрсатилган (5-қатордаги футбол/спорт мактаб шу бобнинг 3.5-банди билан тартибга солинади). 2, 3, 4-устунларда футболчи ўтаётган клуб тоифаси кўрсатилган.

3.4. 3 000 000 сўм – футбол академия/мактабда бир йиллик тайёргарлик учун коэффициентсиз.

3.5. 1 000 000 сўм – ЎФА аттестациясидан ўтмаган футбол/спорт мактаби тарбияланувчиси учун ҳар қандай ҳолатда йиллик тайёргарлик учун коэффициентсиз.

4-боб. Рўйхатдан ўтказишнинг бошқа қоидалари

4.1. Футболчи паспорти клубда сақланади. Ариза ҳужжатларини расмийлаштиришда футболчи паспортининг нусхаси ЎзПФЛга тақдим этилади. Футболчи бир клубдан бошқа клубга ўтаётганида тегишли ёзув қайд этилган паспорт футболчи билан бирга берилади;

4.2. Футболчи бир вақтнинг ўзида футзал/футбол жамоаси аъзоси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди. Аёл футболчилар бундан мустасно.

4.3. 16 ёшга тўлиб улгурмаган футболчи ЎзПФЛ рўйхатидан ўта олмайди (истисно ҳолатлар мазкур Регламентнинг 18-модда 3-бандида кўрсатиб ўтилган). Мавсум давомида 16 ёшга тўладиган футболчи ЎзПФЛ рўйхатидан ўтиши мумкин. Унинг лицензияси футболчи 16 ёшга тўлганидан кейингина клубга тақдим этилади;

4.4. Футболчилар, мураббийлар ва клубнинг меҳнат шартномасига эга бошқа футбол мутахассислари билан тузилган шартномалар билан боғлиқ низоли вазиятлар Футболчилар мақоми ва ўтиши бўйича қўмита қошидаги Низоларни ҳал қилиш палатасида кўриб чиқилади. Мазкур талабни четлаб ўтгани ҳолда, фуқаролик судларига мурожаат қилган клуб вакилининг иши Палата томонидан рад этилади. Шунингдек, уларга нисбатан ФИФА регламентида белгилангани бўйича санкциялар қўлланилади.

4.5. Агар футболчи бошқа жамоага ижарага берилаётган бўлса-ю, аммо ижарага бераётган томон футболчини келишувдан олдин қайтариб олишни истаса, у ҳолда футболчини ижарага олган клуб келишув суммасининг ярмини тўлаб бериши керак. Бунда футболчини қайтариб олиш фақатгина трансфер ойнаси даврида амалга оширилади. Агар ижарага олаётган томон ижара суммасини келишилган вақтда тўлаб бермаса, футбол клубига нисбатан санкция қўлланилади.

4.6. Футболчилар билан шартномаларни шу шартномаларда келтириб ўтилган шартларсиз бекор қилиш ман этилади. Футбол клублари ФИФАнинг минимал талабларга жавоб берувчи ЎзПФЛ томонидан тақдим этилган намунавий шартномалардан фойдаланиши шарт. Бунда клублар шартномада кўрсатилмаган, бироқ мазкур Регламентга зид бўлмаган шартларни қўшиш имкониятига эга.

4.7. Агар бирор футболчи амалдаги клуби билан шартномаси бор бўла туриб, бошқа клубга ўтмоқчи бўлса:

- икки клуб ўртасида трансфер бўлиши;
- даъвогар томон футболчининг шартномасида кўрсатилган товон пулини тўлаб бериши;
- агар клуб рози бўлса, футболчи шу клуб билан шартнома муддати мобайнида амортизацияланган суммани мазкур жамоага компенсация учун тўлаб, бошқа клубга ўтиб кетиши мумкин (17-модданинг, 1-банди).

4.8. 2020 йилнинг 1 январидан эътиборан рафбатлантириш (кўтарма) пуллари бор шартномалар ЎзПФЛ томонидан рўйхатга олиш учун қабул қилинмайди. Бунда клублар ўз футболчиларига чемпионатни кучли олтилик ўринларидан бирида якунлаш, бирор бошқа соврин ёки халқаро майдон учун йўлланмани қўлга киритиш бўйича бонуслар таклиф қилиши мумкин.

7-илова: ЎФАНИНГ МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАРИ

Мазкур методик кўрсатма, ЎФА ҳудудий бўлинмалари томонидан футболчилар паспортларини юритиш ва вояга етмаган футболчиларни ЎФА ва ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган мусобақаларда қатнашувчиларнинг қаторида илк марта рўйхатдан ўтказилинишининг ягона тартибини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

ЎФА ҳудудий ассоциациялар учун футболчиларнинг паспортини, қолаверса уларнинг келгуси фаолияти хронологиясини юритишида ФИФА ва ЎФА футболчиларнинг мақоми ва ўтиши Реламентига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида қуидаги қоидаларни ишлаб чиқкан.


Футболчи мақоми	ЎФА ҲА томонидан илк марта рўйхатга олиниши/ФИФА Регламенти асосида илк марта рўйхатга олиниши/Халқаро ўтиш	Футболчини рўйхаттан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар	ЎФА ҳудудий ассоциациясининг ЎФАга мурожаат зарурияти
Футболчи – 12 ёшгача	Ҳадан илк марта рўйхатдан ўтказилиши	Футболчининг ҲА томонидан рўйхатдан ўтказилиши унинг келгуси футболчилик фаолияти хронологиясини тузишида маълумотга эга бўлиш учундир	
Футболчи: • 12- ёшда; • Ўзбекистон фуқароси; • Ўзбекистон ҳудудида туғилган; • бошқа давлат ассоциацияларид а рўйхатдан ўтмаган.	Ҳадан илк марта рўйхатдан ўтказилиши	<ul style="list-style-type: none"> • Паспорт ёки туғилганилиги ҳақида гувоҳнома; • Ота-онасининг паспорти; • Охирги 3 йил давомида таҳсил олган умумтаълим мактабидан маълумотнома; • Академия/футбол мактабига қабул килинган санаси кўрсатилган маълумотнома; • Бошқа давлат ассоциациясида рўйхатдан ўтмаганлиги ва бошқа давлат фуқаролиги йўқлиги ҳақидаги ота-онасининг аризаси (1-илова); 	

		<ul style="list-style-type: none"> Агарда футболчи оталиққа олинган бўлса, буни тасдиқловчи ҳужжат. 	
<p>Футболчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> 12 ёшда; Ўзбекистон фуқароси; бошқа давлатда туғилган/ёки яшаган; бошқа давлат ассоциациясида руйхатдан ўтмаган. 	<p>Ҳадан илк марта рўйхатдан ўтказилиши</p>	<ul style="list-style-type: none"> Паспорт ёки туғилганилиги ҳақида гувоҳнома; Отаси ёки онасида Ўзбекистон фуқаролиги мавжудлигини тасдиқловчи паспорт; Футболчини бошқа давлатда вақтинчалик яшагани ҳақида маълумот берувчи ҳужжат; Охирги 3 йилда таҳсил олган умумтаълим мактабидан маълумотнома; Академия/футбол мактабига қабул қилинган санаси кўрсатилган маълумотнома; Бошқа давлат ассоциациясида рўйхаттан ўтмаганлиги ва бошқа давлат фуқаролиги йўқлиги ҳақидаги ота-онасининг аризаси (1-илова); Агарда футболчи оталиққа олинган бўлса, буни тасдиқловчи ҳужжат; Футбол мактаби/академияга қабул қилиш бўйича ота-онасининг розилиги акс этган ҳужжат. 	<p>Футболчи бошқа давлатда туғилганида/я шаганида, шу давлатнинг ассоциациясид а руйхатдан ўтмагани ҳақида маълумот олиш учун ҲА томонидан ЎФАга мурожаат.</p> <p>Ҳада руйхатдан ўтказиш мазкур маълумотни олгандан сўнг амалга оширилади.</p>

<p>Футболчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> • 12 ёшдан 18 ёшгача оралиғида; • Ўзбекистон фуқаролигига эга әмас; • бошқа давлат ассоциацияларид а рўйхатдан ўтмаган. 	<p>ФИФА Регламенти асосида илк маротаба рўйхатдан ўтказилиши.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • ЎФА томонидан рўйхатга олинишнинг маъқулланиши; • ЎФА нинг футболчиларнинг мақоми ва ўтиши (трансфер) <p>Регламентининг 19 бандига асосан амалга оширилувчи жараён.</p> <p>Қўшимча: ЎФА томонидан рўйхатга олинишнинг маъқулланиши асосида рўйхатдан ўтказилган футболчининг келгусидаги профессионал клубга рўйхатдан ўтказилиши ҳар сафар ЎФА томонидан рўйхатга олинишнинг маъқулланиши орқали амалга оширилади</p>	
<p>Футболчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> • 12 ёшдан – 18 ёшгача; • Фуқаролиг ининг мавжуд ёки мавжуд әмаслигидан қатъи назар; • бошқа давлат ассоциациясидан ҳаваскор футбол клубига; академия/футбол мактабига ўтиши. 	<p>Халқаро ўтиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> • ЎФА томонидан рўйхатга олинишнинг маъқулланиши; • ЎФА нинг футболчиларнинг мақоми ва ўтиши (трансфер) <p>Регламентининг 19 бандига асосан амалга оширилувчи жараён;</p> <ul style="list-style-type: none"> • ЎФА томонидан рўйхатга олиниш маъқулланганидан сўнг ЎФА томонидан ХТС олиш бўйича сўров юборилиши. <p>Қўшимча: ЎФА томонидан рўйхатга олинишнинг маъқулланиши асосида халқаро ўтиш сифатида</p>	

		рўйхатдан ўтказилган футболчининг келгусидаги профессионал клубга рўйхатдан ўтказилиши ҳар сафар ЎФА томонидан рўйхатга олинишнинг маъқулланиши орқали амалга оширилади	
Футболчи: <ul style="list-style-type: none"> • 12 ёшдан – 18 ёшгача; • Фуқаролиг ининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар; • Бошқа давлат ассоциациясидан профессионал футбол клубга ўтаётганда. 	Халқаро ўтиш	<ul style="list-style-type: none"> • ФИФАнинг футболчилар мақоми ва ўтиши Регламентига мувофиқ тарзда бундай ўтишнинг ФИФА футболчиларнинг мақоми ва ўтиши бўйича қўмитаси қошидаги қўмита томонидан маъқулланиши; • Рўйхатдан ўтказиш маъқулланганидан сўнг ЎФА томонидан барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ХТС бўйича сўров юбориш. 	
Футболчи: <ul style="list-style-type: none"> • 18 ёшдан ошган; • Бошқа давлат ассоциациясидан ўтаётганда. 	Халқаро ўтиш	ЎФА томонидан барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ХТС бўйича сўров юбориш.	

Ушбу методик қўлланма асосида футбол субъектлари (ЎФАнинг ҳудудий бўлинмалари, академия/футбол мактаблари, футболчилар ва уларнинг вакиллари) ўртасидаги муносабатлар қуйидаги схема бўйича тартибга солинади.



Агарда бошқа ҳолатлар ФИФАнинг футболчилар мақоми ва ўтиши бўйича Регламенти ва мазкур кўрсатмада акс этилмаган бўлса, ўз навбатида мазкур кўрсатмада акс этган барча жараёнларнинг бажарилиши биринчи инстанция бўлмиш Ҳудудий ассоциацияларнинг мажбурияти бўлиб ҳисобланади.

Мазкур кўрсатманинг ва ЎФАнинг футболчиларнинг мақоми ва ўтиши бўйича Регламентининг 19-бандида акс этилган жараёнларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида мазкур кўрсатмага 2-иловада қайд этилган вояга етмаган футболчиларни рўйхатга олиниши борасида айrim вазиятлар юзасидан йўриқнома тасдикланади. Шу билан бирга шу вазиятларга аниқлик киритиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади.

Шу билан бир қаторда ЎФА вояга етмаган футболчиларни рўйхатдан ўtkазиш ва унинг ўтиши билан боғлиқ ҳар қандай мурожаатни кўриб чиқиш вақтида 2-иловада кўрсатилмаган қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE

**ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ МАҚОМИ ВА ЎТИШИ БҮЙИЧА РЕГЛАМЕНТ
НОРМАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ВА ЎФА ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ОРГАНИ
ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН САНКЦИЯЛАР РЎЙХАТИ**

1. Футболчининг бир клубдан бошқа клубга ўтиши бўйича Регламент талабларини бузиши, шартномаси бўла туриб, бошқа клуб билан контракт тузиши:

- футболчини 4 ойдан 6 ойгача дисквалификация қилиш.

2. 18 ёшга тўлган ва ундан ёш футболчиларни рўйхатдан ўтказиш тартибини бузганлик учун:

- рўйхатдан ўтказиши бекор қилиш;
- клубга нисбатан молиявий жарима қўллаш.

3. Футболчининг бир клубдан бошқа клубга ўтиши бўйича Регламент талабларини бузган, шартномаси бор футболчи билан контракт тузган, амалдаги клуби билан шартномаси бор футболчини унинг клубини ёзма равища огоҳлантирилмай туриб музокарага киришган, бошқа клуб футболчисини машғулотлари ва йиғинларига қўшган клуб учун:

- клубга нисбатан молиявий жарима қўллаш;
- энг яқин трансфер ойнасидаги ҳаракатларини чеклаш.

4. Футболчини ижарага олаётган клуб томонидан ижара шартномаси шартларининг бажарилмаслиги ёки шу футболчи билан тузилган меҳнат шартномаси шартларининг бажарилмаслиги сабаб:

- клубга нисбатан 50 000 000 сўмгача молиявий жарима қўллаш;
- янги футболчиларни рўйхатдан ўтказиши тақиқлаш ёки энг яқин трансфер ойнасидаги ҳаракатларини чеклаш.

5. Футболчини тарбиялаганлик учун машғулот компенсацияси тўлаш муддатига амал қиласли:

- клубга нисбатан 500 000 000 сўмгача молиявий жарима қўллаш;
- янги футболчиларни рўйхатдан ўтказиши тақиқлаш ёки энг яқин трансфер ойнасидаги ҳаракатларини чеклаш.

6. ЎФАнинг тегишли қўмитаси қарорини ўз вақтида ёки умуман бажармаганлик учун:

- клубга нисбатан 500 000 000 сўмгача молиявий жарима қўллаш.

7. Клуб томонидан меҳнат шартномаси шартларининг узрли сабабсиз бузилиши ёки футболчини меҳнат шартномасини муддатидан аввал бузишга унданланлик учун:

- клубга нисбатан 500 000 000 сўмгача молиявий жарима қўллаш;
- янги футболчиларни рўйхатдан ўтказиши тақиқлаш ёки энг яқин трансфер ойнасидаги ҳаракатларини чеклаш.

8. Клуб томонидан бошқа бир клубни ёки футболчини меҳнат шартномаси шартларининг муддатидан аввал бузишга унданланлик учун:

- клубга нисбатан 500 000 000 сўмгача молиявий жарима қўллаш;
- янги футболчиларни рўйхатдан ўтказишни тақиқлаш ёки энг яқин трансфер ойнасидаги ҳаракатларини чеклаш.

Чеклаш муддати меҳнат шартномаси шартлари бузилган кундан бошланади.

9. 28 ёшга тўлмаган ва 28 ёшга тўлган футболчи томонидан меҳнат шартномаси шартларининг узрли сабабсиз бузилиши ва бу меҳнат шартномасининг муддатидан аввал бекор қилинишига сабаб бўлса:

- футболчини 6 ойгача муддатга дисквалификация қилиш.

10. Ушбу регламент қоидаларининг футболчи агенти томонидан бузилиши, шунингдек, агентлар фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар қоидаларини бузганлик учун:

- агентга нисбатан 500 000 000 сўмгача жарима солиш.

Санкциялар вазиятга қараб комбинация қилиниши мумкин.



Киритилган тақиқнинг муддатини ҳисоблаш ЎФАНИНГ тегишли қарори чиқарилган санадан бошлаб ҳисобланади.

Молиявий жарималар ЎФАНИНГ тартиб-интизомий органи томонидан қарор чиқарилган санадан бошлаб 10 банк иш куни ичida ЎзПФЛга тўланиши лозим.

**UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE**